

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ
ТОШКЕНТ АРХИТЕКТУРА ҚУРИЛИШ ИНСТИТУТИ
“БИНО ВА ИНШООТЛАР ҚУРИЛИШИ” ФАКУЛЬТЕТИ
“ҚУРИЛИШ КОНСТРУКЦИЯЛАРИ” КАФЕДРАСИ

ТЕМИРБЕТОН КОНСТРУКЦИЯЛАРИ
ФАНИДАН МАЪРУЗАЛАР МАТНИ

Муаллиф; Худайберганова М.

Тошкент-2014

Маъруза матнлари

Маъруза 1.

КИРИШ

1. Темирбетоннинг моҳияти.
2. Олдиндан зўриктирилган темирбетон
3. Темирбетоннинг тараққий этиши тўғрисида қисқача маълумот.
4. Темирбетоннинг ишлатиш соҳаси ва унинг келажакдаги тараққиёти.

1. Темирбетоннинг моҳияти

Бетон ва пўлатдан ташкил топган қурилиш материали темирбетон деб номланади: пўлат илгари темир деб номланган. Бетон, ҳамма тошматериаллар каби сиқилишдагига нисбатан чўзилишга ишлаганда 10-20 баробар кам мустаҳкамликка эга, шунинг учун бетонни чўзилувчи кучланишларни қабул қилувчи қурилмаларда ишлатиш самарали эмас. Ҳаёлий тажриба ўтказамиз: Бетондан бир хил таркибли иккита тўсин тайёрлаймиз. Бирига бетонли, иккинчисига пўлатли стержен ўтказамиз. Тўсин бето билан мустаҳкамликни олгандан кейин, секин-аста юк F ни орттириб бориб тажриба ўтказамиз. Пастки қисмида дарз ҳосил бўлганда бетон тўсин кичик юк F таъсирида ҳам синади. Пўлат ўқли тўсинда биринчи дарз тахминан бетон тўсинни бузилиши учун тушадиган юкка

(F) тенг юк F таъсирида пайдо бўлади. Тўсиннинг бузилиши юк

бўлганда содир этилади, чунки тўсиндаги дарзлар пайдо бўлгандан кейин пайдо бўлувчи чўзилувчи юкларни арматуралар қабул қилади.

Темирбетоннинг самарадорлиги унинг қуйидаги хусусиятлари орқали белгиланади:

- бетон сиқилганда юқори мустаҳкамликка эга (40 МПагача), пўлат эса чўзилганда ва сиқилганда (240дан то 1500 МПагача);
- арматура бетон билан маҳкам бириктирилади ва бетон бузилиши давригача силжймайди.
- пўлат ва бетон бир хил тўғри чизикли ҳарорат кенгайиши коэффициентига эга, шунинг учун ҳарорат ошганда ва пасайганда қурилмани бузадиган хавфли кучланишлар ҳосил бўлмайди.
- Бетон арматурани керакли бўлган ёнғинбардошлик ва узоқ муддатга чидамлилигини таъминлаган ҳолда емирилиш ва юқори ҳароратдан (ёнғинлардан) ишончли ҳимоялайди.

2. Олдиндан зўриктирилган темирбетон

Кучланиши тахминан 30 МПага тенг бўлган кучланшнинг темирбетон қурилмасининг бўйлама қисмидаги арматурага таъсирида дарзлар ҳосил бўлади. Фойдаланилаётган арматуранинг бўйлама қисмига таъсир этаётган кучланиш 200-300 МПага боради, бунда дарз ёриқлари кенглиги 0,2...0,4 ммгача бўлади. Бундай ёриқлар ҳарорат – намлик нормал шароитда бўлган ҳолатда қурилма арматурани хавфли емирилишига олиб келмайди. Юқори мустаҳкамликка эга бўлган арматуралардан фойдаланилганда, кучланш 400-800 МПа бўлганда, дарз кетган ёриқлар кенглиги 0,5...3 мм боради ва бунда арматура емирилишдан ҳимояланмаган бўлади.

Бундан ташқари қурилмани эгилиши сезиларли даражада ортиб бориши мумкин.

Бу ҳолатга тушмаслик мақсадида олдиндан зўриктирилган юқори мустаҳкамликка эга бўлган арматурадан фойдаланилади. Темирбетонни олдиндан (тайёрлаш

жараёнида) зўриктирилади, бунда фойдаланиш учун қўйилган бетонда сиқилувчи кучланиш пайдо бўлади.

1,2 а, в расмда олдиндан зўриктирилган темирбетон қурилмасини тайёрлаш схемаси кўрсатилган.

Юқори мустаҳкамли пўлат арматура 1 таянч 2 мустаҳкамланган, домкрат билан тортиб 3 таянчга мустаҳкамланган. 4 қолип бетон билан тўлдирилгандан сўнг, бетон қотиши билан ўзак учлари қирқилади ва у бетонни пастки қисмини қисиб тради. Қурилмани юклатилганда (расм 1,2 в) пастки қисмида чўзилувчи кучланиш ҳосил бўлади, у олдиндан сиқилганда пайдо бўлган сиқилувчи кучланиш билан қўйилади.

Юкланиш F_0 бўлганда пастки толаларда кучланиш нолга тенг бўлади. Қўшимча юклатишни F давом эттирилгандан сўнг пастки қисмда дарзлар ҳосил бўла бошлайди. Шундай қилиб, дарзга чидамлилиқ олдиндан зўриктирилган тўсинда ортиб боради. Оддий тўсинларга (зўриктирилмаган) нисбатан солиштиранда эгилувчанлиги камаяди. Олдиндан зўриктирилган темирбетон қурилмалар учун қуйидагилар рухсат этилади.

- юқори мустаҳкамли металл арматуралар ва бетонлар ишлатилсин ва шу билан бирга қурилмани енгиллаштириш ва арзонлаштириш.
- қурилмани дарз кетишга бўлган мустаҳкамлини ва қатламлигини ошириш;

а - тўсинни тайёрлаш

б – зўриктирилган арматурани бетонга бириктирилган жойидан бўшатиш

в – бетоннинг пастки қисмида кучланиш нолга тенг.

г - пастки қисмда дарзлар ҳосил бўлади.

3. Темирбетоннинг тараққий этиши ҳақида қисқача тарихий маълумот

Бетон, қадимдан қурилиш материаллиги маълум бўлган. Римда девор йўллар, виадуклар ва бошқа қурилмаларда Везувий қояларидаги вулқондан олинган кумдан тайёрланган бетон қўлланилган. Машҳур Аппиева йўли, Пантеона гумбази, оралиғи 40 м дан ортиқ бўлган, бетон ишлатиб қурилган. Буюк Хитой деворини қуришда ҳам бетон ишлатилган. Ўрта асрларда қадимги қурувчиларнинг сирлари унутилган эди. 1797 йили Д.Паркер лой ва оҳакдан романцемент (римский цемент) олган. Джозеф Аспдин портландцементини яратгани учун 21 октябрь 1924 йилда патент олди. Шу вақтнинг ўзида Россиялик Е.Г.Челиев томонидан шу цементга ўхшаш цемент ўйлаб топилган. Бетон қурилишда кенг миқёсда қурилмалар тайёрлашда ишлатилмоқда. 1999 йили Франция ва бутун дунё миқёсида темирбетон ихтиро қилинганлигининг 150 йиллиги нишонланди. 1849 йили Жан Луи Ламбо, касби адвокат, темирбетондан қайиқ ясади. 1855 йили Ламбо қурилмалардаги намгарчиликка учрайдиган тахта ўрнига темирбетон билан алмаштириш учун Патент олди. Узоқ муддатгача Версаллик боғбон Жозеф Монье темирбетонни кашф этган деб ҳисобланган. 1867 йили у темирбетондан ясалган гуллар учуе патент олди. Кейинчалик Монье турли давлатлардан темир йўл тўсинлари (шкала), тўсинлар-трубалар, кўприклар учун патент олди.

Кўпгина давлатларда бир вақтнинг ўзида темирбетонни ўзлаштириш ишлари олиб бориларди: Франция, Германия, Англия, АҚШ, Россия. Вайе ва Баушингер (Гер.) темирбетонни биринчи тажрибадан ўтказишди, Гепнебик (Франция) ҳаммаси темирбетондан ишланган бинони таклиф этди, Кенен чўзилувчи қисмга арматура қўллашни таклиф этди ва темирбетонни ҳисоблашнинг биринчи формуласини ишлаб чиқди. Темирбетон Россияда мустақил тараққий этди, тижорат ва маблағ бўйича раҳбарликни чет элликлар, техник раҳбарлик эса руслар томонидан амалга оширилган. Профессор Н.А. Белелюбский 1891 йили Петербургда темирбетон қурилмасини оммавий тажрибадан ўтказди. 1898 йили темир йўл ва катта кенг йўллар қурилишида

темирбетондан фойдаланишга рухсат этилган. Қадимги қурилган биноларда 1892 й А.Ф.Лолейт томонидан лойиҳаланган Москвадаги БУМдаги ўтиш кшприклари, Николаевдаги 1904 й. Қурилган машъал, аср бошида темирбетондан қурилган биноларга Томскдаги гугурт фабрикаси, дон омбори, Ушайку устидаги кўприк ва бошқалар киради. 1930 йилларда темирбетонни қўллаш бутун дунёда кенг тус олди. Бу вақтга келиб олдиндан зўриктирилган темирбетон қурилмалари пайдо бўлди (Э.Фрейсине), қобик кўринишидаги юпқа деворли қурилмалар, бетон қоришмани тайёрлаш технологияси ишлаб чиқилди, меъёрлаш, танлаш, қиш ойида бетонлаш. Темирбетонни ҳисоблаш тарихининг ривожланишига А.Ф.Лолейт катта ҳисса қўшди, у 1931-33 йилларда рухсат этилган кучланишни ҳисоблашда услуб ўрнига емирилиш арафасидаги ҳисоблашни таклиф этди. 1939 йили

чет элга нисбатан 30 йил олдин СССРда бу услуб қабул қилинди. XX1 аср – бетон ва темирбетон асри. Бетон ва темирбетон қуйидаги афзалликларга эга:

- ишлаб чиқаришда табиий ресурслардан минимал ҳолда олиниб, бошқа соҳалардаги чиндилардан максимал фойдаланилади.
- бошқа материалларга нисбатан мустаҳкаслиги ва узоқ муддатга чидамлилиги юқори.
- бошқа материаллар билан бирга ишлаши
- қурилиш ёки бошқа эҳтиёжлар учун қайта ишлатиш.
- юқори нафосатли ва архитектура кўриниши
- ишлаб чиқаришда ва фойдаланишда экологик хавфсиз.

Японияда бетон ва темирбетон ишлаб чиқариш аҳоли сонига нисбатан 1 кишига 2 м³ дан ортқни, АҚШда – 1,3 м³, Германияда – 1,1 м³, Россияда – 0,4 м³ ни ташкил этади.

4. Темирбетонни қўлланиш соҳаси ва унинг келажакдаги ривожланиши

Темирбетон ҳамма соҳалардаги замонавий қурилишларда кенг қўлланилмоқда, чунки у чидамли, маҳаллий қурилиш материалларидан фойдаланиш мумкин, металл тежамли сарфланади, кўриниши салобатли ва турли шаклларга эга. Қурилишда қуйма, йиғма ва йиғма-қуйма темирбетон қўлланилади. Қуйма темирбетон қурилмаси қурилишда лойиҳа кўринишида тайёрланади. Ундан кам такрорланувчи ва бўлиниши (ажаратилиши) қийин бўлган иншоотлар бунёд этилади. Қуйма темирбетондан қурилган иншоотга ҳоҳлаган кўринишни бериш мумкин, улар мустаҳкам ва металл сарф бўлиши жиҳатидан анчагина тежамлидир.

Камчиликлари: мавсумий иш, қолип учун ёғоч-тахтанинг кўп сарфланиши, кўп сермехнатлилиқ (ёғоч-тахта қолиплардан алмашлаб ишлатиш, пайвандлаш арматуралари, бетоннасос, қўшимчалардан фойдаланиш озгина енгиллаштиради).

Йиғма темирбетон қурилмалари заводларда тайёрланади, қурилиш майдонларига автомобиль ёки темир йўл транспорти ёрдамида етказилади ва кўтариш кранлари ёрдамида ўрнатилади. Бундай қурилмалар қурилиш майдонининг ноль сатҳида ҳам тайёрлаш мумкин.

Йиғма-қуйма қурилмалар бизнинг давлатимизда унчалик кўп тарқалмаган. Темир-бетон саноатда, уй-жой, қишлоқ хўжалиги қурилишида, автомобиль йўллари қурилишида, кўприklar, сув транспорти иншоотлари, узоқ муддатга чидайдиган хусусиятли муҳофаза иншоотлари қурилишида, метро қурилишида, метро қурилиши ва бошқа кўпгина жойларда фойдаланилади. Мисол қилиб, темирбетондан ишланган қурилмалардан:

- баландлиги 537 м Москва телеминораси, Томск политехника институти битирувчиси Н.В. Никитин томонидан лойиҳаланган.
- Торонтодаги баландлиги 555 м телеминора.
- Франция и Буюк Британия оралиғидаги Ла-Манш бўғозидаги ер ости йўли.

- Куала-Лумпур (Малайзия)даги баландлиги 582 м (1.3 расм) нефть компанияси “Петронас”нинг осмонўпар биноси;
- “Тролл” (Норвегия) нефтни казиб олиш учун денгиздаги баландлиги 472 м бўлган майдонча (платформа) 300 м чуқурликда жойлашган бўлиб, тўлқин баландлиги максимал 31,5 м бўлиб, тўфонга мўлжалланган, уни тайёрлашга 250 минг м³ В 80, 100 класс бетони ва 11 минг т зўриқтирилган арматура сарфланган.
- Сиэтл (АҚШ) оралиғи 220 м куйма қиррали гумбаз қурилган;
- АЭС ҳимояловчи қобиклари ва бошқа кўпгина иншоотлар.

Темирбетон қурилмаларини қуришда доимо янгиликлар киритиб замонавийлаштирилади, енгиллаштирилади, арзонлаштирилади. Бунга эришиш қуйидагилар орқали амалга оширилади:

- бетон мустаҳкамлиги 60-200 МПага ошириш, енгил конструктив бетонларни қўллаш)
- арматураларнинг мустаҳкамлигини ошириш ва олдиндан зўриқтирилган арматуралардан фойдаланиш.
- статик ишларда самарадорли қурилмаларни қўллаш (масалан қобик)
- темирбетонни тайёрлаш технологиясини яхшилаш.
- темирбетон сифатини назорат қилувчи замонавий аппаратуралардан фойдаланиш.

Темирбетон яқин келажакда асосий қурилиш материалы бўлиб қолади. Ҳаммага маълум италиялик инженер ва архитектор Пьера Луиджи Нерви сўзлари бўйича “Бетон – одамзот томонидан яратилган энг яхши материаллардандир”. Унинг тарихи – инсоният ҳоҳиш ва иродасининг қаҳрамонлик остони. Бизга аниқ бир материал керак эди – ва биз уни яратдик. Бетон – бу ҳоҳлаган қолипга тушувчи, ҳамма талабларга жавоб берувчи, истаган юкни кўтарувчи – тирик мавжудот”.

4-ИЛОВА

Мавзу бўйича саволлар

1. Темирбетон конструкциялари моҳияти
2. Темирбетонни афзалликлари
3. Темирбетонни мустаҳкамлиги
4. Зўриқтирилган темирбетонни афзалликлари
5. Темирбетонни тараққий этиш тўғрисида маълумот
6. Темирбетондан тайёрланадиган буюмлар
7. Темирбетонни ишлатиш соҳаси
8. Бетонни арматура қилиб алюминий қуймасидан ўрнатилса, () нима содир бўлади
9. Нима учун юқори мустаҳкам арматурали олдиндан зўриқтирмасдан ишлатиш мумкин эмас
10. Темирбетон тараққий этишининг асосий босқичлари қандай
11. Темирбетон қурилмасини замонавийлаштириш йўллари қандай

5-ИЛОВА

Гуруҳлар фаолиятини баҳолаш.

Мезонлари ва кўрсаткичлари				
Гуруҳлар	Саволнинг тўлиқ ва аниқ ёритилиши 0-5 балл	Саволларни тўлиқликларини бажарилиши 0-5 балл	Талабаларнинг фаоллиги 0-5 балл	Жами 15 балл

15-13 балл “аъло”
 12-10 балл “яхши”
 9-6 балл “қониқарли”

6-ИЛОВА

Машғулотнинг услубий таъминоти

- 1.ҚМҚ 2.03.02-96 Бетон ва темирбетон конструкциялари Т., 2006 й.
- 2.ҚМҚ 2.03.07-96 Юқлар ва таъсирлар Т., 1996 й.
- 3.Асқаров Б.А., Низомов Ш.Р., Темирбетон ва тош-гишт конструкциялари Т.Ўзбекистон 2003 й.
- 4.А.П.Мандринов Примеры расчет железобетонных конструкций Москва. Строиздат 1989.

2 мавзу Бетонни физик-механик хоссалари	
Маърузани олиб бориш технологияси	
Ўқув соати 2-соат	Талабалар сони 45 та
Ўқув мағулот	Маъруза
Маъруза режаси	1.Бетонни тузилиши 2.Бетон синфи 3. Бетонни чўзилишда қирқишдаги ва ёрилишдаги мустаҳкамлиги 4.Бетонни деформациялаши
Ўқув машғулотларнинг	Талабалар билимлари мустаҳкамлаш мустақил фикрлаш

мақсади:	қобилиятини ривожлантириш	
Педагогик вазифалари	Ўқув фаолиятини натижалари	
Бетонни асосий физик-механик хоссалари. Мустахкамлик синфлари	Бетонни асосий физик-механик хоссалари билиб, мустахкамлигини синфлари аниқлай оладилар	
Бетон хоссаларини аниқлаш ва мустахкамликларини англаш	Бетон хоссаларини очиб берадилар	
Талабаларни патокда ишлаш қуникмаларини ривожлантириш	Талабалар ўз фикрлари мустақил, эркин баён оладилар	
Ўқитиш воситалари	Плакатлар, слайдер	
Ўқитиш усуллари	Сухбат огзаки-савол жавоб	
Ўқитиш шакллари	Фронтал, патокларда ишлаш	
Ўқитиш шароити	Техник воситалари билан таъминланган аудитория	
Мониторинг ва баҳолаш	Огзаки саволлар савол-жавоб	
“Бетонни физик-механик хоссалари” мавзусининг технологик харитаси		
Босқичлари	Ўқитувчи фаолияти мазмуни	Тингловчи фаолияти мазмуни
1-босқич (20 мин)	1.1. Маъруза мавзуси режаси Билан таништирилди. 1.2. Маъруза бщйича асосий тушунчалар билан таништирилди. (1 илова)	Тинглайдилар Тинглайдилар
2-босқич Асосий бщлим (50 мин)	2.1 Маъруа билан таништирилди (2-илова) 2.2. Мавзу огзаки савол- жавоблар ёрдамида мустахкамланади	Тинглайдилар, ёзадилар Саволларни тинглайдилар ва жавобларни берадилар
3-босқич якунловчи (10 мин)	3.1 Мавзу бўйича саволлар берадилар (3 илова) 3.2. Мавзу бўйича билимларни чуқурлаштириш учун адабиётлар рўйхати беради (4-илова)	Жавоб берадилар Адабиётлар рўйхатини ёзиб оладилар

1-ИЛОВА

Асосий тушунча

Бетонни тузилиш сифатлари мустахкамликларни ва деформацияланиши.

2-ИЛОВА

Маъруза 2

Бетон таснифи

Ҳар-хил кўринишда юклангандаги тузилиши, мустаҳкамлиги.

1. Бетон тузилиши
2. Бетн таснифи. Бетон маркаси.
3. Бетоннинг мустаҳкамлик хусусиятлари
- 3.1. Кубик кўринишдаги мустаҳкамлик
- 3.2. Призма кўринишдаги мустаҳкамлик
- 3.3. Марказ бўйлаб чўзилгандаги мустаҳкамлик
- 3.4. Қирқиш ва ёрилишдаги бетон мустаҳкамлиги
- 3.5. Узоқ муддатга юкланишдаги бетон мустаҳкамлиги
- 3.6. Қайта-қайта юкланишдаги бетон мустаҳкамлиги
4. Бетон синфлари

1. Бетон тузилиши

Бетон – сунъий тош материаллардандир. Маълум бўлишича, уларни йирик ва майда тўлдиргичлар, боғловчи, сув ва махсус қўшимчалардан ташкил топган бетон қоришмасини қотиши натижасида олишади. Қотган бетон етарлича мураккаб тузилишга эга бўлади (ички қурилиши). Бетон тузилиши бетоннинг хусусиятига ҳал қилувчи таъсир этади. У қўпол (дағал) турли жинсли бўлиб, бошқа кўпгина омилларга боғлиқ: таркибининг донаторлиги, цемент тошининг ҳажмий концентрацияси, сув-цемент муносабати, мустаҳкамланиш услуби, қотиш шароити, цемент тошининг гидротация (сув билан бириқиш) даражаси ва бошқалар.

Бетон тузилиши кўп сонли кимёвий боғлиқ бўлмаган сувлардан, сув парларидан ва хаводан иборат, йирик ва майда донали тўлдиргичлар билан тўлдирилган микробўлик (мада ғоваклар) ва томчилардан ташкил топган бўлиқ решеткали цемент тоши кўринишида шаклланади (2.1-расм). Шунинг учун бетон капилляр – ғовакли тош материал бўлиб, бир бутунлик бўлмага ҳолда, унда учи а фаза иштирок этади – қаттиқ, суюқ ва газсимон.

Цемент тоши қайишқоқ кристалл сродка ва тўлдирувчи ёпишқоқ масса-гельдан иборат. Цемент тошида қайишқоқ ва ёпишқоқ структурали моддаларнинг мужассамлиги бетон хусусиятини эгилувчан пластик ва чўзилувчан қилади. Бу хусусиятлар бетон юкланганда ва ташқи муҳит таъсирида намоён бўлади.

- 1 – тошдек қотган цемент-қумли қоришма;
- 2 – донатор йирик тўлдиргич;
- 3 – ўйма қолип ва донатор тўлдиргич чегарасидаги структура дарзлар;
- 4 – йирик ғоваклар ва томчилар;
- 5 – йирик донатор тўлдиргичлар остидаги бўшлиқлар;
- 6 – айрим йирик донатор тўлдиргичлар остидаги цемент тошининг юмўқ ғовакли структураси.

2. Бетон таснифи. Бетон маркаси

Темирбетон қоришмаси учун ишлатиладиган бетон олдиндан белгиланган физик-механик хусусиятларга буткул тўғри келиши керак.

Бетоннинг физик хусусияти берилган материалга, тайёрлаш услубига боғлиқ бўлиб, у тузилиши бўйича аниқланади. Шу нуқтаи назардан олганда бетон қуйидаги хусусиятлар бўйича тавсифланади:

Тузилиши бўйича:

- қаттиқ бетон – бунда донатор тўлдиргичлар оралиғи қотган боғловчи моддалар билан тўлдирилган;
- йирик ғовакли бетон – донатор тўлдиргичлар бўш оралиғи қисман тўлдирилган;
- ғовакланган бетон, ғоваклаштирилган бетон, донатор тўлдиргичлар оралиғи махсус қўшимчалар киритилиши натижасида ғовакланган
- ячейкали бетон – сунъий тешикли бетон;

Бетон зичлиги қанча юқори бўлса, унинг мустаҳкамлиги ҳам шунча юқори бўлади.

Бетон учун талаб этилишига нисбатан цемент маркаси қанча юқори бўлса, унинг сарф бўлиши шунча кам бўлади.

Ўртача зичлиги бўйича:

Ўта оғир $P > 2500 \text{ кг/м}^3$,

Оғир $P = 2200 \dots 2500 \text{ кг/м}^3$,

Енгиллиштирилган $P = 1800 \dots 2200 \text{ кг/м}^3$,

Енгил $P = 500 \dots 1800 \text{ кг/м}^3$.

Ўртача зичлигига мос равишда ўртача зичлик бетон маркаси-Д белгиланади, у бетон оғирлигини кафолатлайди. У шунингдек иссиқдан ҳимоялаш талаблари қўйилган қурилмаларга ўрнатилади.

Оғир бетон, ҳозирги вақтда бутун дунёда, асосий кўринишдаги бетон бўлиб ҳисобланиб, қурилишда қўлланиладиган маҳсулот ва ҳамма кўринишдаги қурилишда ишлатиладиган қурилмаларни оммавий ишлаб чиқаришда ишлатилади. Цемент зўриқтирилган бетондан тайёрланган қурилма учун ўз кучланиш паркаси белгиланади. (Sp 0,6...Sp4).

Марка олдиндан зўриқтирилган ўқ сатҳи бўйича арматуранинг марказидан ўтувчи бетондаги кучланиш қийматини олдиндан белгилайди. Бундай бетонлар труба тайёрлашда учиниш-қўниш йўлаги ва сақлаш жойлари учун ва бошқа жойларда қўлланилади.

Боғловчи сифатида:

- цементли;
- полимерцементли;
- оҳакли боғловчи моддали (силикатли);
- гипсли;
- махсус боғловчи моддали.

Асоси цемент бўлган бетонлар ҳозирги вақтда кенг тарқалган.

Бетонни агрессив муҳитга бўлган қаршилигини ошириш ва қурилмани маълум шароитда узок муддат фойдланиш мумкинлиги мақсадида махсус цемент сульфатга, тузга чидамли, пуццоланли, тез қотувчи, кенгаювчи, ўзи кучланувчи ишлатилади.

Тўлдирувчиларни кўриниши бўйича:

- табиий зич тўлдирувчилар (шағал, майда тош);
- ғовакли табиий тўлдиргичлар (перлит, пемза ракушечкалар);
- сунъий тўлдиргичлар (керамзит);
- биологик ҳимоя талабларига, иссиққа кимёвий таъсирга чидамли ва бошқа ҳолатларга жавоб берувчи махсус тўлдиргичлар.

Донадор таркиби бўйича:

- йирик доналилар;
- йирик ва майда тўлдиргичлар;
- майда донали (тўлдиргичлар билан).

Қотиш усули бўйича:

- табиий қотиш;
- бетон, атмосфера босими остида иссиқ-нам ҳаво билан ишлов берилган;
- бетон, юқори босим остида автоклав билан ишлов берилган.

Бетоннинг физик хусусиятларига қуйидагилар киради: сув ўтказмаслик, совуққа чидамлилик, иссиққа чидамлилик, оловбардошлик, емирилишга чидамлилик.

Сув ўтказмайдиган материал деб ўзидан сув ўтказмайдиган хусусияти тушунилади.

Босимга чидамли қурилмаларга (резервуарлар, босимга чидамли трубапроводлар ва бошқа шунга ўхшаш қурилмалар) суюқликни гидростатик босимга чидамлилигини текширишга боғлиқ ҳолда “Сув ўтказмаслик” маркаси белгиланади (W2 дан W12 гача бўлган ораликда).

Тажриба қилинаётган намунадан сувнинг сизиб кириши кузатилмаган бўлса, шу қиймат унинг босимини кг/см^2 характерлайди. Тажриба бўйи ва диаметри 150мм бўлган бетон намунасида ўтказилади.

Совукбардошлик деб материалнинг нам ҳолатда музлаб ва қайта эриганда бузилишга бардошлиги тушунилади. Бетоннинг совукбардошлик маркасиқурилмалар учун F25 дан F500 гача ораликда белгиланади.

Қиймат сони сув билан тўйинган ҳолатда музлаб ва қайта эриш ҳолати қайта такрорланишга чидамлилигини характерлайди, бунда бетон мустақамлиги кўпи билан 15% га камаяди ёки бетоннинг бузилиши кўзга кўринадиган даражада бўлмайди.

Бетоннинг иссиққа чидамлилиги деб юқори ҳарорат (200°C дан юқори) узок муддат таъсир этганида бетон ўзининг мустақамлигини сақлаб қолиш хусусияти тушунилади.

Оловбардошлик деб, маълум вақт мобайнида очик олов пуркалганда ($100\ldots 1100^{\circ}\text{C}$) бетон ўз мустақамлигини сақлаб қолиш хусусияти тушунилади.

Ўта юқори ҳароратда ишлайдиган қуилмалар учун паст ҳароратда кенгайиш коэффициентли иссиқбардош тўлдиргичли (шамол, кварц, металлургия шлаки ва бошқалар) ва қоратупроқли цементда ёки портландцементда кукунланган қўшимчалар билан (шамол, кварц, вулкан жинслари ва бошқалар) ва қоратупроқли цементда ёки портландцементда кукунланган қўшимчалар билан тайёрланган бетонлар ишлатилади. Бундай бетонлар ҳароратнинг 1200°C гача бўлган узок муддатли таъсирга бардошли.

Бетоннинг занглашга чидамлилиги деб унинг атроф-муҳит билан кимёвий реакцияга киришмаслик хусусияти тушунилади. Занглашга чидамлиликини ошириш учун асоси полимер боғловчи (поливинилацетат, поливинил хлорид ва бошқалар) бўлган армопластбетонларни қўллаш самаралидир. Бундай бетонлар юқори кимёвий чидамлилиги билан ажралиб туради ва зарарли муҳит (газ, ёғ, кислоталар, ишқорлар ва бошқалар) таъсирига учрайдиган иншоотларда ишлатиш мақсадга мувофиқдир.

2. Бетоннинг мустақамлик хусусиятлари

Бетон мустақамлиги деб ташқи кучлар таъсирида, бузилмасдан, қаршилик кўрсата олиш хусусияти тушунилади.

Бетон мустақамлиги кўпгина омилларга боғлиқ: тузилиши, марка ва цемент тури, сув-цемент нисбати, йирик ва майда тўлдирувчилар турива мустақамлиги, зўриқтирилган ҳолат тури, форма ва намуна размерлари, юклаш муддати.

Бетон мустақамлигига намунани юклаш тезлиги катта таъсир кўрсатади. Юклаш тезлиги секинлаштирилганда статистик қисқа муддатлига нисбатан бетон мустақамлиги 10...15% камаяди. Тез юклашда (тезлиги $0,2\text{C}^1$ ва ундан ортик) бетон мустақамлиги 20% гача кўпаяди.

Бетон ҳар-хил кучлар таъсирида (сиқилиш, чўзилиш, эгилиш, қирқиш) турли мустақамликка эга. Шу сабабли бетон мустақамлиги ҳар-хил хусусиятлиги бўлади: кубикли ва призмали мустақамлик, чўзилишдаги мустақамлик, қирқиш ва ёрилишдаги, кўп маротаба такроран юклашдаги мустақамлик, қисқа муддатли узок давом этувчи ва динамик юklar таъсири.

3.1. Кубик мустақамлиги

Асосан темирбетон қурилмаларида бетон сиқилувчи кучланишни қабул қилишда ишлатилади. Шунинг учун ҳарорат $(20\pm 2)^{\circ}\text{C}$ бўлган 28 кун давомида нормал шароитда (ҳаво ҳарорати $15\ldots -20^{\circ}\text{C}$ ва нисбий намлик 90...-100%) ўлчамлари $150\times 150\times 150$ мм бўлган стандарт кубларни синовдан ўтказиш натижасида бетоннинг асосий мустақамлик хусусияти қилиб бетоннинг марказ бўйича сиқилувчи мустақамлиги қабул қилинган. Гоҳида бетоннинг марказ бўйича сиқилувчи мустақамлиги қабул қилинган. Гоҳида тажриба диаметри d 100, 150, 200 ва 300 мм бўлган, баландлиги $h=2d$ цилиндрларда ўтказилади.

Бетоннинг кубикли мустаҳкамлиги деб андоза кубларнинг вақтинчалик қаршилиги R қабул қилинади ва у қуйидагича ифодаланади:

$$R = \alpha \frac{F}{A}$$

бунда F – бузувчи куч, Н;

A – намунанинг ўртача иш майдони, мм²;

α – намуна ўлчамларига боғлиқ бўлган ўтказиш коэффиценти.

Қўндаланг қирқим ўлчамлари камайиши билан коэффиценти α камаяди. Бу намуна ўлчамлари ва ён томонлар оралиғидаги масофа ўзгариши билан изоҳланади.

Демак, кублар учун қирралар ўлчами: 100мм $\alpha=0,95$; 150мм $\alpha=1,0$; 200мм $\alpha=1,05$; 300мм $\alpha=1,1$.

Ҳар-хил ўлчамли (ва шаклли) намуналар сиқилишидаги турли қаршиликлар намуна қирралари ва пресснинг таянч плиталарининг ўзаро ишқаланишидан ҳосил бўлувчи ишқаланиш кучи таъсири билан ихоҳланади. Пресснинг таянч плиталар яқинида ишқаланиш кучи ичкарига йўналтирилган бўлиб, халқача ҳосил қилади ва шу билан бирга намуналар сиқилгандагимуустаҳкамлигини оширади.

Ён томондан узоқлашган сари ишқаланиш кучи таъсири камаяди. Шунинг учун бетонли куб иккита қирқилган пирамида формасини олади (2,2, а расм). Ишқаланиш кучи бўлмаганда (ёки сезиларли камайганда) бузилиш (қулаш) хусусияти ўзгаради, ташқи юкланиш таъсирига параллел куб текислик бўйича ёрилади.

Кубли бетонларнинг бузилиш хусусияти

а – таянч текислигидаги ишқаланиш кучи бўлганда

б – таянч текислигида иқаланиш кучи бўлганда

Ҳақиқий темир-бетон қурилмалари ўз тузилишлари бўйича кублардан сезиларли фаркланади. Шунинг учун кубикли мустаҳкамлик темирбетон қурилма сиқилган мустаҳкамлик участкаларини таърифлаб бера олмайди. Бунинг учун бошқа хусусиятдан яъни призмали бетон мустаҳкамлигидан фойдаланилади.

3.2. Призмали мустаҳкамлик

Темирбетон қурилмалар тузилиши бўйича кублардан фаркланади. Шунинг учун бетоннинг кубикли мустаҳкамлиги қурилма элементларининг мустаҳкамлигини ҳисоблашда фойдаланиб бўлмайди. Бетоннинг сиқилган элементлари мустаҳкамлигининг асосий хусусиятлари призма мустаҳкамлиги ҳисобланади.

Призма мустаҳкамлиги асосида призма баландлигининг “ h ” квадрат асосининг “ a ” ўлчамига бўлган нисбати билан призманинг марказий сиқилишига бўлган вақтинчалик қаршилиги тушунилади.

Тажириба қилинаётган намуна ўлчамлари нисбати бетоннинг призмали мустаҳкамлигига боғлиқлиги. Реал қурилмаларда бетоннинг сиқилган зонада зўриқиш ҳолати призманинг зўриқтирилган ҳолатига яқинлашади. Призма кўринишидаги намуналар ишқаланиш кучи кубларга қараганда таъсири камроқ бўлган, бир хил бўлган қўндаланг қирқимда сиқилишидаги мустаҳкамлик камлигини кўрсатмоқда. Призма баландлиги асос томонларига $h/a > 4$ нисбатида ишқаланиш кучи деярли йўқ бўлади ва мустаҳкамлик доимий бўлиб $\approx 0,75R$ тенг бўлади.

3.3. Ўқ бўйлаб чўзилишдаги мустаҳкамлик

Ўқ бўйлаб чўзилишдаги бетон мустаҳкамлиги $R_{\text{в}}$ цемент тошининг чўзилишдаги мустаҳкамлиги ва унинг йирик тўлдиргич доналари билан бирикишига боғлиқ.

Бетоннинг чўзилишга бўлган мустаҳкамлигини аниқлаш учун намуналарни текшириш схемаси.

Тажриба йўли билан саккиз кўринишидаги намуналарни узилиши синаб аниқланади. ($\delta_{bt} = F / A$) цилиндр кўринишидаги намуналарни парчаланиши кублар (2.,4в) ёки бетон тўсинларини эгилишга ($\delta_{bt} = 3,5M / (bh^2)$) бу ерда М – эгилувчи момент;

в – тўсин қирқими кенглиги.

Ўқ бўйлаб чўзилишдаги бетон мустаҳкамлиги унча катта бўлмаган қийматга эга.

$$R_{bt}=0,1R_b \dots 0,05 R_b$$

R_{bt} нинг тахминий қийматини сферанинг эмпирик формуласи орқали аниқлаш мумкин

$$R_{bt}=0,234\sqrt[3]{R^2}$$

3.4. Бетоннинг қирқиш ва ёрилишдаги мустаҳкамлиги

Соф қирқим деб, элементларни кесим бўйлаб бўлакларга бўлиш, қирқиш кучи йўналтирилган ҳолда тушунилади.

Соф ёрилиш деб, элемент қисмларининг ўзаро силжитувчи зўриқиш таъсири тушунилади.

Темирбетон қурилмаларини соф қирқиш ва ёрилишга камдан-кам ишлайди. Қирқишда бўйлама, ёрилишда эса кўндаланг кучлар таъсири кузатилади.

Қирқиш қаршилиги понали уланган жойида ва таянч тўсинда содир этилиши мумкин, ёрилиш қаршилиги эса зўриқтирилган тўсинларни эгганда уларда дарзлар пайдо бўлгунча, агарда юқори ва пастки бетоннинг таянч қисмларида ишончли боғлиқлик таъминланган бўлмаса, ёрилиш қаршилиги пайдо бўлади.

Қирқиш ва ёрилишдаги вақтинчалик қаршилиқ меъёрий ҳужжатларда берилмаган ва у тахминан олинади:

$$R_{sh} = 2R_{bt}$$

3.5. Давомий юкланишдаги бетон мустаҳкамлиги

Бетоннинг давомий қаршилиқ чегараси деб, кучланиш вақтида чегараланмаган узоқ муддат давомида бузилмасдан энг кўп статистик ўзгармасдан туришига айтилади.

Юкнинг давомий таъсирида бетон намунаси юкланишдан қисқа муддатли юкланишга нисбатан камроқ бузилади.

Бу ноэластик деформациянинг ривожланиши таъсирида шартланган.

$$R_{bt}=0,9 R_b \quad (2.6)$$

Агарда қурилмаларни ишлатиш шароити бетон мустаҳкамлигини оширишга мойил бўлса, кучланиш даражаси $\frac{\delta\sigma}{R_b}$ секин-аста камаяди, юкланиш давомийлик фактори элементларнинг юк кўтариш қобилятига таъсир этмайди. Проф. Б.Г. Скрамтев узоқ муддат юкланишдаги бетон мустаҳкамлигини башоратлашни қуйидагича тавсия этади:

$$R_{bt} = \frac{R_{lst}}{\lg 28} = 0,7 Jgt$$

бунда t – суткадаги вақт.

Кўп маротаба такроран юкланишдаги (силжувчи ёки маромий ҳаракатланувчи) R_r (бетоннинг чидамлиқ чегараси) бетон мустаҳкамлиги деб намунанинг бузилиши учун керак бўладиган, камида 1000000 бўлган, юклаш ва юксизлаш цикллар сони тушунилади.

Бетоннинг чидамлилиқ чегараси носимметрик цикл $\delta\sigma = \frac{\sigma_{\min}}{\sigma_{\max}}$ коэффициентига ҳамда юклаш ва юксизлаш цикл сонига боғлиқ (п). R_b камайиши билан R_r камаяди. Чидамлилиқ чегараси цикллар сони $n=2 \cdot 10^6$ бўлганда $R_r=0,5$ R_b энг кам қийматга эга.

Табиий нам оғир бетоннинг чидамлилиқ чегараси R_b циклининг носимметрик коэффициентига боғлиқлиги. Бетоннинг чидамлилиқ чегараси микродарзлар пайдо бўлувчи пастки чегарага боғлиқ. Агар такроран кўп маротаба юклаш бетонда дарз пайдо бўлувчи чегарадан ошиб, кучланишни ҳосил қилса, унда цикл кўп бўлганда бетон бузилишига ўтади.

Бетоннинг чидамлилиқ чегараси юклаш тартибига, вақти, бошланғич мустаҳкамлиги ва бошқа омилларга боғлиқ.

4. Бетон синфлари

Бетон синфларини сифат мустаҳкамлик кўрсаткичлари бўйича қуйидагича фаркланади:

B – марка бўйлаб сиқиш мустаҳкамлиги;

B_t – марка бўйлаб чўзиш мустаҳкамлиги.

Бетоннинг марказ бўйлаб сиқилиш мустаҳкамлигини “ B ” синфи бўйича 0,95 таъминланган давлат стандартига биноан тайёрланган ва 28 сутка $(20 \pm 2)^\circ\text{C}$ ҳароратда сақлангандан сўнг синалган, сиқилишга бўлган вақтинчалик R_m МПа да намуналари тушунилади.

Марказ ўзак бўйлаб сиқиш мустаҳкамлиги бўйича меъёрларга асосланиб қуйидаги бетон синфлари ўрнатилган:

- оғир ва майдонли бетонлар учун: $B_{7,5}$; B_{10} ; $B_{12,5}$; B_{15} ; B_{20} ; B_{25} ; B_{30} ; B_{35} ; B_{40} ; B_{45} ; B_{50} ; B_{55} ; B_{60} .

- енгил бетонлар учун: $B_{7,5}$; B_{10} ; $B_{12,5}$; B_{15} ; B_{20} ; B_{30} ; B_{35} ; B_{40} .

Бетоннинг марказ бўйлаб чўзилиш мустаҳкамлигини “ B ” синфи бўйича 0,95 таъминланган давлат стандартига биноан тайёрланган ва 28 сутка $(20 \pm 2)^\circ\text{C}$ ҳароратда сақлангандан сўнг синалган, чўзилишга бўлган вақтинчалик қаршилиқ R_m МПа да ўртача статистик қийматли андоза намуналари тушунилади.

Бетоннинг чўзилишга бўлган мустаҳкамлиги муҳим аҳамиятга эга бўлган иншоотлар учун (резервуарлар, босимли трубопроводлар, бетон қопламали йўллар ва шунга ўхшаш иншоотлар) лойиҳалаш вақтида бетоннинг марказ бўйлаб чўзиш мустаҳкамлиги синфи белгиланади. Меъёрлар бўйича оғир, енгил ва майдонли бетонлар учун марказий чўзилиш мустаҳкамлиги $B_{08 \dots 3,2}$ бўлган 0,4 МПа қийматда такрорланувчи бетон синфлари белгиланади.

3-ИЛОВА

Гуруҳлар фаолиятини баҳолаш.

Мезонлари ва кўрсаткичлари				
Гуруҳлар	Саволнинг тўлиқ ва аниқ ёритилиши	Саволларни тўпирикларни бажарилиши 0-5	Талабаларнинг фаоллиги 0-5 балл	Жами 15 балл

	0-5 балл	балл		

15-13 балл “аъло”
12-10 балл “яхши”
9-6 балл “қониқарли”

4-ИЛОВА

Машғулотнинг услубий таъминоти

- 1.ҚМҚ 2.03.02-96 Бетон ва темирбетон конструкциялари Т., 2006 й.
- 2.ҚМҚ 2.03.07-96 Юклар ва таъсирлар Т., 1996 й.
- 3.Асқаров Б.А., Низомов Ш.Р., Темирбетон ва тош-гишт конструкциялари Т.Ўзбекистон 2003 й.
- 4.А.П.Мандринов Примеры расчет железобетонных конструкций Москва. Строиздат 1989.

3 мавзу	Арматурани физик-механик хоссалари	
Маърузани олиб бориш технологияси		
Ўқув соати 2-соат	Талабалар сони 45 та	
Ўқув машғулоти	Маъруза	
Маъруза режаси	1.Арматура турлари 2.Арматурани синфлари 3. Арматура мустаҳкамлиги 4.Арматурани ишлатилиши 5.Арматурадан тайёрланган буюмлар 6.Арматурани улаш	
Ўқув машғулотларнинг мақсади:	Қурилиш конструкциялари Фани билимларини талабаларнинг мустақил фикрлаш қобилиятини ривожлантириш	
Педагогик вазифалари	Шъув фаолиятини натижалари	
Архитектураларни таққослаш	Арматура кўринишлари, синфлари орасидаги фарқни кўрсатиб бера оладилар	
Арматура хоссаларини чуқурак англаш	Арматура турларини синфларини кўринишлари	
Талабаларнинг гуруҳларда ишлаш кўникмаларини ривожлантириш	Талабалар ўз фикрлари мустақил, эркин баён оладилар, жамоада ишлаш кўникмаларини ривожлантириш	
Ўқитиш воситалари	Плакатлар, слайдер	
Ўқитиш усуллари	Сухбат оғзаки-савол жавоб	
Ўқитиш шакллари	Фронтал, патокларда ишлаш	
Ўқитиш шароити	Техник воситалари билан таъминланган, гуруҳларда ишлаш усулини қўллаш мумкин бўлган аудитория	
Мониторинг ва баҳолаш	Оғзаки саволлар савол-жавоблар	
“Арматурани физик-механик хоссалари” мавзусининг технологик харитаси		
Иш босқичлари	Ўқитувчи фаолияти мазмуни	Тингловчи фаолияти мазмуни
1-босқич (20 мин)	1.3. Маъруза мавзуси режаси билан таништирилди.	Тинглайдилар
	1.4. Маъруза бўйича асосий тушунчалар билан таништирилди. (1 илова)	Тинглайдилар

2-босқич Асосий бўлим (50 мин)	2.1 Маъруа билан таништирилди (2-илова) 2.2. Мавзу огзаки савол-жавоблар ёрдамида мустахкамланади	Тинглайдилар, ёзадилар Саволларни тинглайдилар ва жавобларни берадилар
3-босқич якунловчи (10 мин)	3.1 Мавзу бўйича саволлар берадилар (3 илова) 3.2. Мавзу бўйича билимларни чуқурлаштириш учун адабиётлар рўйхати берилади (4-илова)	Жавоб берадилар Адабиётлар рўйхатини ёзиб оладилар

1-ИЛОВА

Асосий тўшунча

Арматура хиллари, синфлари, кўриниши, мустахкамлиги, ишлатилиши, арматурадан тайёрланган буюмлари ва уларни улаш.

2-ИЛОВА

Маъруза матнлари

Маъруза 3

Арматура (лотин сўзидан олинган “arma” – қурол, “armament” – жиҳоз) қурилмаларни мустахкамлигини ошириш мақсадида чўзилувчи ва сиқилувчи кесим унсурларини ўзаклаш учун қўлланилади. Арматуранинг асосий вазифаси – тортувчи кучни (эгилишда, марказдан ташқари сиқилушда, марказий ва марказдан ташқари чўзилишда) шунингдек қурилмаларда киришиш ва ҳароратли кучланишни қабул қилиб олишдир.

Кўпгина ҳолларда арматуранинг бетоннинг эгилювчи унсурларнинг сиқилиш чегарасини кучайтириш учун шунингдек кичик ёки тасодифий эксцентриситетли сиқилувчи унсурларда фойдаланилади.

Арматура алоҳида қайишқоқ ўзак ва сим сифатида ёки турли арматура маҳсулотли сифатида қўлланилиши мумкин, булардан (пайвандланган ўрамли ёки текис тўрлар, пайвандланган текис ёки фазовий синчлар, сим арқон ва ўрамлар, ўрнатувчи деталлар, строповоч қурилмалари) шунингдек, қаттиқ арматура кўринишида – бурчакли, твеллерли ёки қўштаврли пўлат прокатлар.

Темирбетон қурилмаларида арматуранинг ишлатилиш функциялари бўйича ишчи ва йиғувчиларга бўлинади. Ишчи арматура деб, арматура кесим майдони A_s га ташқи куч таъсирини ҳисоблаш орқали аниқлаш тушунилади.

Темирбетон қурилмаларида ишчи арматура таъсир этувчи куч йўналишига боғлиқ ҳолда бўйлама ва кўндаланг йўналишда жойланиши мумкин. Темирбетон қурилмаларида арматура таркиби арматуралаш коэффиценти $\mu = A_s/A_b$ ёки арматуралаш фоизи $\mu\% = 100(A_s/A_b)$, бунда A_s – арматура майдони, A_b – бетоннинг кўндаланг кесим майдони.

Конструктив арматура деб (бўйлама ва кўндаланг) ҳисобланмасдан ўрнатиладигани тушунилади. У арматура ўзаклари ораликларида зўриқишни бир текис тақсимланиши учун белгиланган бўлиб, тақсимловчи деб номланади. Бундан ташқари, темирбетон қурилмаларида маҳсулотларни бетонлаш вақтида ишчи арматураларнинг лойиҳадаги ҳолатини таъминлаш ва ҳисоблаш вақтида олинмаган зўриқишлар, бетоннинг киришиши,

силжиши, харорат таъсирида зўриқиш, жойида йўналтирилган кучлар таъсирида зўриқиш ва бошқа таъсирларни қабул қилиши учун йиғма арматуралар қўлланилади.

2. Арматура таснифи

Пўлатнинг кимёвий таркиби, тайёрланиш шароити, кўндаланг кесим қирқими, қўллаш ва пайвандланувчанлиги бўйича темирбетон қурилмалари учун арматура таснифланиши мумкин.

Таркибидаги углерод миқдорига боғлиқ ҳолда пўлат 3 турга бўлинади:

- 0,09-0,2% ораликда углерод бўлган, кам углеродли;
- 0,25-0,6% ораликда углерод бўлган, ўртауглеродли арматураларда ва машинасозликда;
- 0,6% кўпроқ, лекин 1,2%-2% ортиқ бўлмаган углеродли, юкориуглеродли, асбобсозлик саноатида.

Углерод таркиби пўлатнинг физик-механик хусусиятларини сезиларли даражада аниқлайди. Углерод миқдорининг ортиб бориши билан пўлат мустаҳкамлиги ортиб бориши билан пўлат мустаҳкамлиги ортиб боради, деформацияланиш хусусияти пасаяди, пайвандланувчанлиги ёмонлашади ёки умуман мумкин бўлмай қолади. Шу сабабли пўлат хусусиятларини яхшилаш мақсадида ёки берилган хусусиятли пўлатни олиш учун уларга легирлаш услуби қўлланилади (*legieren* – немисчадан олинган бўлиб эритиш, *ligo* – лотинча сўз бўлиб боғлайман, бирлаштираман деган маънони беради) бунда, металл қоришмаси таркибига легирланувчи элементлар қўшилади. (Масалан: Cr, Ni, Mo, W, V, Ti ва бошқалар). Арматура учун ишлатиладиган пўлат таркибида легирловчи қўшимчалар 5%гача бўлади (паст легирланган). Пўлатли арматуралар паст, ўрта углеродли паст легирланган пўлатлардан тайёрланади. Пўлатнинг кимёвий таркиби унинг марка номиди ифодаланади. Қўшимчаларни ифодалаш учун ҳарфлардан фойдаланилади. Г – марганец, С – кремний, Х – хром, Т – титан, Ц – цирконий, Ю – алюминий, Р – бўр, А – азот. Масалан, пўлатли арматура 20хГ2Т маркали пўлатли арматура маркаси 20хГ2Т 0,2% углерод, хром 0,3 дан 1% гача. Бундай кимёвий таркиб берилган арматура пастуглеродли ва пастлегирланган пўлатдан тайёрланганлигидан далолат беради.

Ҳамма арматуралар тайёрланиш услуби бўйича иссиқ ҳолатда тайёрланган ўзакли ва совуқ ҳолатда тайёрланган симлиларга бўлинади (горячекатаную и холоднотянутую).

Иссиқ ҳолатда тайёрланган деб, алоҳида ўзакли айлана кесим кўринишида бўлган прокатнинг иссиқ ҳолатда олинган пўлат арматура тушунилади. Бундай арматуранинг синфи А ҳарфи ва рим рақамлари А-I...AVI билан белгиланади (рақами қанчалар юкори бўлса, мустаҳкамлик шунчалар юкори бўлади. Прокатлангандан сўнг термик ёки термомеханик ишлов бериб мустаҳкамланган, иссиқ ҳолатда тайёрланган арматуралар синфи индекс Т билан белгиланади: А_т-III, А_т-IV, А_т-V, А_т-VI, А_т-VII. Занглаб ёрилишга ўта чидамли, термик ва термомеханик мустаҳкам ўзакли арматуралар синфини белгилашда индекс “К” қўшилади (А_т - IVK), занглаб ёрилиши пайвандланувчан ва юкори мустаҳкам бўлганига эса индекс “СК” қўшилади (А_т-VCK).

Совуқ ҳолатда тайёрланган пўлат симли арматура деб пастуглеродли ёки ўрта углеродли пўлатларни совуқ ҳолатда чўзувчи станокларда чўзиб роиниши тушунилади. Симларнинг даврий юзаси чуқур бўлмаган эзилишларга эга. Бундай арматуралар синфи В ҳарфи р индекси ва римча I ёки II рақами билан белгиланади (Вр-I, Вр-II) Пўлат арматураларни етказиб бериш шартлари бўйича боғлам ёки ўрамланган кўринишларга бўлинади. Пўлат арматура ўрамлари оғирлиги 15т гача бўлган сим билан боғланган олти қирра кўринишидаги боғламларда етказиб берилади.

Истеъмолчининг талабига биноан уларни оғирлиги 3 ва 5 т гача бўлган боғламларда етказиб беришлари мумкин. Вр-I, В-II, В-IIсинфли симли арматураларни оғирлиги 500....1500 кг гача бўлган ўрамларда етказиб берилади. Ҳамма юкори мустаҳкам ва симарқонли арматураларни деформацияланган сақланиш учун ички диаметри 1200,

2000 ва 2500 мм бўлган ўрамларда етказиб берилади. Арматуралар кўндаланг кесим юзаси бўйича текис (А-I, В-II) ва даврий кесимлигига (А-II, А-III, А-IV, А-V, А-VI, Вр-II, А_т-III...А_т-VII) бўлинади. Арматура прокати ТУ-14-1-5254-94 талабларига биноан тайёрланган, ўроқсимон бўртиб чиққан кўндаланг даврий кесимга эга

Арматурани ишлатилиш шартларига биноан оддий қурилмалар учун зўриктирилмаган ва олдиндан зўриктирилган қурилмалар учун зўриктирилган арматураларга бўлинади.

Даврий кесимли арматура турлари

а – А-II синф ўзакли; б - А-III, А-IV, А-V, А-VI синф ўзакли; в – ўзакли ўроқсимон кесимли; г – совуқ ҳолатда ишлов берилган симлар; 1 – эзилган томондан кўриниши; 2 – текис томондан кўриниши.

Зўриктирилмаган арматура деб, арматурани олдиндан таранглаштирмай қурилмага жойлаштириш тушунилади. Бундай қурилмалар учун ишчи арматура сифатида А-III, А_т-IVC, Вр-1 синфли синчларга боғланган арматураларни қўллаш яхшироқдир. А-I ва А-II синфли арматураларни кўндаланг ва йиғувчи арматураларда ишлатиш тавсия этилади, шунингдек суюқлик ва газлар босими остидаги кўндаланг ишчи арматуралар сифатида ишлатилади.

Мустаҳкамлиги оширилган ва юқори мустаҳкам А-IV, А-V, А-VI, А_т-III...А_т-VII, А_т-IV, А_т-V, А_т-VI, А_т-VII, В-II, К-7 ва К-19 синфли арматуралар зўриктирилганлар сифатида фойдаланиш афзалроқдир. Зўриктирилган арматуралар синфини танлашда қурилма ўлчамлари, фойдаланишда ҳарорат шартлари, атроф-муҳитнинг агрессивлиги ҳисобга олинади.

Пайвандланиши бўйича арматуралар хоҳлаган усулда пайвандланувчи ва ҳеч қайси усулда пайвандланмайдиганларга бўлинади.

Арматураларнинг пайвандланувчанлиги унинг ишончли ва мустаҳкам хоҳлаган усулда ўзакларнинг биринчи хусусияти тушунилади: туташув усулида пайвандлаш, ёйсимон қўлда, нуқта туташув, ваннали пайвандлашлар. А-I... А...-IV, А_т-IVC синфли ўзакли арматуралар хоҳлаган усулда пайвандланади, Вр-1 синфли симли арматуралар туташув усулида пайвандланади.

А_т-V... А_т-VII синфли қиздириб мустаҳкамланган арматураларни ва В-11, Вр-11, К-7 ва К-19 синфли юқори мустаҳкам арматураларни пайвандлаш уларни “бўшаатиш” лиги сабабли таъқиқланади.

3. Арматураларнинг мустаҳкамлик ва деформацияланувчанлик хусусиятлари

Турли синфли пўлатли арматуралар қуйидаги мустаҳкамлик хусусиятларига эга: физикавий бу ёки шартли оқувчанлик $\sigma_{0,2}$ чегаралари, ёрилишга бўлган σ_u вақтинчалик қаршилик. Бу хусусиятлар “ σ - E ” диаграммаси бўйича, намуналарни чўзилувчанлигини текширишда олинган маълумотлар асосида ўрнатилади. Улар пўлатнинг кимёвий таркиби ва арматурани тайёрлаш технологиясига боғлиқдир. Иссиқ ҳолатда ўралган (горячекатаная) А-I, А-II ва А-III синфли арматуралар чўзилиш диаграммасида оқиш майдони аниқ ифодаланган. Зўриқиш, шу майдонга таалуқли бўлган, оқишнинг физик чегараси дейилади, σ_y . Бундай зўриқишга етганда пўлатнинг пластик деформацияси ташқи юкни ўзгартирмай ортиб боради. Бундай арматура оқиш чегарасига етгандан сўнг қаршиликни қайтадан орттиришга ва деформацияланишни давом эттиришга қодир ва гўёки пўлатнинг ўз-ўзини мустаҳкамлаш босқичи бошланади (ВГ-участкаси).

Бунда нисбий чўзилиш пўлат синфига боғлиқ ҳолда намуналарнинг узилиши (бузилиши) 15%...2% гача ётиши мумкин. Бузилишда пўлат арматура намунасининг энг кўп зўриқишга бардошлиги шартли равишда қабул қилинган мустаҳкамлик чегараси қийматига тўғри келади - σ_u пўлатнинг вақтинчалик қаршилиги. Бу нуқта орқасида намунанинг жойида торайиши рўй беради, бўғизчалар пайдо бўлади ва бузилиш бошланади.

Юқори мустаҳкам ва мустаҳкамлиги оширилган арматура пўлатлари қаттиқ пўлатлар қаторига киради. Бу пўлатлар “ σ - E ” чўзилиш диаграммасида оқувчанликнинг аниқ сегарасига эга эмас, шунинг учун бундай пўлатлар учун оқувчанлик чегараси деб шартли тушунча қўлланилади. Шартли қайишқоқлик чегараси деб зўриқиш қабул қилинади, қайсики унда 0,02% тенг бўлган қолдиқ нисбий деформация пайдо бўлади. Бу зўриқишни $\sigma_{0,02}$ деб белгилаймиз. Қиймати 0,2% бўлган қолдиқ деформациясига мос равишда бўлган зўриқишни шартли оқувчанлик чегараси $\sigma_{0,2}$ деб қабул қиламиз. Қаттиқ пўлатларнинг асосий мустаҳкамлик кўрсаткичи бузилишидаги вақтинчалик қаршилик σ_u ҳисобланади.

Кўп маротаба такрорланувчи куч таъсирида пўлатнинг оқувчанлик чегараси қиймати камаяди, бузилиш эса мўрт хусусиятли бўлиб қолади. Бу пасайиш қанчалар кўп бўлса, такрорий куч сони шунчалар кўп ва коэффициент асимметрия цикли $P_s = \frac{\sigma_s \min}{\sigma_s \max}$

шунчалар камдир. Бардошлик чегараси деб цикллар сони $n=1 \cdot 10^6$ маротаба бўлганда пўлатнинг мўртликдан бузилиши кузатилмаган ҳолатни қабул қилинади.

Арматура пўлатларининг σ - E диаграммаси.

- 1 – А-I синфли иссиқ ҳолатда ўралган (тайёрланган) думалок;
- 2 – А-III синфли иссиқ ҳолатда тайёрланган даврий кесим;
- 3 – Вр-I синфли совуқ ҳолатда тайёрланган симлар;
- 4 – А-IV синфли иссиқ ҳолатда тайёрланган даврий кесим;
- 5 – диаметри 8 мм, Вр-II синфли юқори мустаҳкам арматурали симларнинг даврий кесими;
- 6 – у ҳам диаметри 8,5 мм, В-II синфли текис.

Арматура пўлатлари деформацияланиш хусусияти бир меъёردа узилишда нисбий узайишини, совуқ ҳолатда эгилган бурчак қийматини тавсифлайди, яъни ўзак мўртликдан бузилмасликка, шунингдек совуқ ҳолатда (симлар учун) эгилган бурчак миқдори, пўлатнинг оқувчанлигига (реологические свойства) бардош бериши керак.

Узилишда арматура пўлатларини узайтириш нисбий узайтиришга тенг миқдорда баҳоланади (бузилиш бўғизларини узунлигини ҳисобга олмаган ҳолда). Бу деформацияларининг пайдо бўлишига қурилмаларнинг бузилиш хусусиятлари боғлиқдир (мўрт ёки қайишқоқ).

Юқори мустаҳкам пўлатлар ва мустаҳкамлиги оширилган пўлатларнинг тўлиқ пластик деформацияси 4...8% ни ташкил этади. Пўлат арматуралар мустаҳкамлигини ошириши ва шу сабабли узилишда нисбий узайтиришнинг камайиши пўлат таркибига углерод ва легирловчи қўшимчалар (марганец, кремний, хром) қўшиш сабабли содир бўлади.

Зўриқишнинг сўниши деб олдиндан зўриқтириш вақтида арматуранинг эркин деформацияланишини чеклаб, арматура учларини қаттиқ маҳкамлаб қўйиш тушунилади.

Зўриқишнинг сўниши кўпгина омилларга боғлиқдир: пўлатнинг мустаҳкамлиги ва унинг кимёвий таркибига, тайёрлаш технологиясига, ҳароратга, юза геометриясига, юкланиш миқдори, сими мустаҳкам тортилган, термик мустаҳкам ўзакли арматура маълум даражада сўнишга эга. Сўнишнинг пайдо бўлиши одиндан зўриқтирилган қурилмалар ишида салбий таъсир кўрсатади. Арматураларда зўриқишнинг пасайиши вақт ўтиши билан сўниш хусусиятига эга. Биринчи бир соат ўтишида 50-60% сўниш намоён бўлади. Ҳамма синфли пўлатни арматураларда деформацияланиш хусусияти қайишқоқлик қиймати билан тавсифланади, жадвал 29 СНиП 2.03.01-84[4] да қийматлари келтирилган.

Россияда шунингдек вақтинчалик қаршилиги $\sigma_u=1200-1500\text{МПа}$ бўлган шишапластикли арматуралар чегараланган миқдорда ишлаб чиқарилмоқда. Бироқ унинг нархи пўлатлига қараганда анча юқори, шунинг учун ҳамма жойда ундан фойдаланиш мақсадга мувофиқ эмас. Шишапластикли арматураларнинг камчилиги анъанавий цементли бетондаги ишқорий муҳитда унинг кимёвий мустаҳкамлигининг пастлиги ҳисобланади. Шу билан бирга бу арматура юқори деформацияланиш хусусиятига эга, қайишқоқлик қиймати паст, радиошаффофдир.

Шишапластикли арматура махсус бетонли қурилмаларда, агрессив муҳит таъсир этувчи, электр майдони қўйилган, шунингдек электроизоляцияланган қурилмаларда фойдаланиш самаралироқдир.

4. Арматура маҳсулотлари. Зўриқувчи арматуралар учун зулфин мосламалар

Темирбетон қурилмаларнинг қонунига биноан, йирик арматурали маҳсулотлар билан ўзакланади: текис ёки фазовий пайвандланган синчлар, пайвандланган ўрамли ёки текис тўрлар билан. Пайвандланган тўрлардаги ишчи арматура бўйлама, кўндаланг ёки иккала йўналишда жойлашиши мумкин.

Фазовий синчлар текис синчлардан йиғилади ёки уларни бутунлигича пайвандланади. Синчлардаги бўйлама ва кўндаланг ўзакларнинг охиридаги ташлаб кетилган жой ўлчамлари камида $0,5d_1+d_2$ ёки $0,5d_2+d_1$ ва камида 20 мм бўлиши керак. Пайвандланувчи бўйлама ва кўндаланг ўзаклар диаметри нисбати камида 0,25...0,33 деб қабул қилинади. Тўрлар давлат стандартларига биноан Вр-1 синфли диаметри 3...5 мм бўлган совуқ ҳолатда тайёрланган симлардан ва А-III синфли диаметри 6-10 ммли иссиқ ҳолатда тайёрланган арматураларнинг даврий кесимларидан тайёрлаш мақсадга мувофиқдир. Ўрамли тўрлар, кенглиги 1040...3630 мм ўрам оғирлиги 900-1300кг, кўпэлектродли станокларда пайвандланади Расм 4.3. Арматурали синч турлари: а – текис; б – фазовий; 1-2 чи қатор ишчи арматура (зарур бўлганда); 2 – ишчи арматуранинг пастки қатори; 3 – қисқичлар; 4 – йиғилган ўзаклар; 5 – йиғилган (бириктирувчи) ўзаклар.

Ўзақли цемент қурилмаларини ўзаклаш учун диаметри 0,5...1мм ли симдан матоли тўрлар ишлаб чиқарилади.

Текис пайвандловчи тўрларни кенглиги (эни) 3800мм гача бўлган бўйлама ва кўндаланг ишчи арматуралардан тайёрланади. Бўйлама ва кўндаланг ўзак ўқлари оралиғидаги масофани кўпинча қисқа 50мм деб қабул қилинади.

Олдиндан зўриқтирилган қурилмалар учун зўриқувчи арматурани одатда турли зулфинли мосламалар билан таъминлайдилар, улар арматура синфи, қурилма узунлиги ва олдиндан зўриқтириш услубига боғлиқдир.

А-IV, А-V, А-VI, Ат-IVC синфли ўзақли иссиқ ҳолатда тайёрланган зўриқтирилган арматуралар учун зулфин мосламаларини бошчалари иссиқ ҳолатда кўчириб ўзтказилган, пайвандланган уланма ва элемент охирларидаги шайбалар кўринишида қўлланилади

Арматуранинг бу синфлари яхши пайвандланади ва шу сабабли хоҳлаган услубда яхши уланади

Ҳароратли мустаҳкамланган ва мустаҳкамлиги юқори бўлган Ат-IV, Ат-V, Ат-VI, Ат-VII, В-II, К-7, К-19 синфли арматуралар тиргакланган қолипларни ёкистенд тиргакларини тортишда исканжадан чиққан совуқ ҳолатдаги шайбалар (расм 4.5д). НИИЖБ қурилмасининг қисқич асбоблар кўринишидаги зулфинли мосламалар билан таъминлайди.

3-ИЛОВА

Оғзаки саволлар

- 1.Арматура хиллари
- 2.Арматура синфлари
- 3.Арматурани ишлатилиши.
- 4.Арматура мустаҳкамликлари
- 5.Арматураларни улаш
- 6.Темирбетон қурилмаларида арматуранинг вазифаси
- 7.Арматура таснифи
- 8.Арматуранинг мустаҳкамлик ва деформативланиш хусусиятлари
- 9.Арматурали маҳсулотлар. Зўриқтирилган арматуралар учун зулфинли мосламалар

4-ИЛОВА

Мавзу бўйича саволлар

- 1.Арматурани хоссалари турлари, хиллари
- 2.Арматура мустаҳкамлиги
3. Арматура синфлари ва ишлатилиши.
- 4.Арматурадан тайёрланган буюмлар
- 5.Арматураларни ва улардан тайёрланган буюмларни улаш.

5-ИЛОВА

Гуруҳлар фаолиятини баҳолаш.

Мезонлари ва кўрсаткичлари				
Гуруҳлар	Саволнинг тўлиқ ва аниқ ёритилиши 0-5 балл	Саволларни тўлиқликларни бажарилиши 0-5 балл	Талабаларнинг фаоллиги 0-5 балл	Жами 15 балл

- 15-13 балл “аъло”
 12-10 балл “яхши”
 9-6 балл “қониқarli”

6-ИЛОВА

Маълумотларнинг таъминоти

- 1.ҚМҚ 2.03.02-96 Бетон ва темирбетон конструкциялари Т., 2006 й.
- 2.ҚМҚ 2.03.07-96 Юклар ва таъсирлар Т., 1996 й.
- 3.Асқаров Б.А., Низомов Ш.Р., Темирбетон ва тош-гишт конструкциялари
Т.Ўзбекистон 2003 й.

1 мавзу Темирбетон моҳияти ва ҳисоблаш тартиби	
Амалий машғулоти олиб бориш технологияси (машғулоти модели)	
Ўқув соати 2-соат	Талабалар сони 15 та
Ўқув машғулоти шакли	Амалий машғулоти
Амалий машғулоти режаси	1.Темирбетонни моҳияти 2.Олдиндан зўриқтирилган темирбетон. 3. Темирбетон элементларни ҳисоблаш тартиби
Ўқув машғулотларнинг мақсади:	Қурилиш конструкциялари фани ҳақида билимларни мустаҳкамлаш, талабаларининг мустақил фикрлаш қобилиятини ривожлантириш мустақил фикрлаш қобилиятини ривожлантириш
Педагогик вазифалари	Ўқув фаолиятини натижалари
Темирбетон моҳияти темирбетон ва зўриқтирилган темирбетонни таққослаш	Темирбетон ва зўриқтирилган темирбетон моҳиятини ва ўрғинасидаги фарқни кўрсатиб бера оладилар
Темирбетонни мазмун-моҳиятини чуқурроқ англаш	Темирбетонни моҳиятини очиб берадилар
Талабаларнинг кичик гуруҳларда ишлаш	Талабалар ўз фикрларини мустақил, эркин баён қила оладилар, жамоада ишлаш кўникмаларини

кўникмаларини ривожлантириш	ривожлантирадилар
Ўқитиш воситалари	А-1 фарматдаги плакатлар, компьютер слайдерлари, маркерлар
Ўқитиш усуллари	Сухбат, тест синов гуруҳларда мустақил ишни бажариш
Ўқитиш шакллари	Франтал, кичик гуруҳларда ишлаш
Ўқитиш шароити	Техник воситалари билан таъминланган, гуруҳларда ишлаш усулини қўллаш мумкин бўлган аудитория
Мониторинг ва баҳолаш	Оғзаки саволлар, тест саволлари, ёзма иш

“Темирбетон моҳияти ва ҳисоблаш тартиби” мавзунинг технологик харитаси

Иш босқичлари	Ўқитувчи фаолияти мазмун	Тингловчи фаолиятининг мазмун
1 босқич (20 мин)	1.1. Амалий машғулот мавзуси, режаси кутиладиган натижалар билан таништиради. 1.2. Мавзу бўйича асосий тушунчаларнинг моҳияти эсга туширади (1-илова) 1.3. Мавзу тест саволлар ёрдамида мустахкамланади (2-илова)	Тинглайдилар Бажарадилар Тестларга жавобларни ёзади
2-босқич Асосий бўлим (50 мин)	2.1. Талабаларни кичик гуруҳларда ишлашга тайёрлайди, қоидалари билан таништиради (3-илова) 2.2. Кичик гуруҳларда ишлашни амалга оширади. Топшириқ берилади, ҳар бир гуруҳ учун алоҳида топшириқларни беради (4- илова) 2.3. Берилган топшириқларни бажарилганлигини назорат қилади талабалар жавобларини тинглайди, саволлар беради, талабалар фаолиятини бошқаради ва гуруҳ ишини баҳолайди (5- илова)	Кичик гуруҳ қоидалари билан танишадилар Ҳар бир гуруҳ алоҳида топшириқни беради интерфаол усуллар ёрдамида ўз фикрларини баён этадилар Гуруҳда муҳокама этилган саволлар юзасида жавобларни гуруҳ сардори томонидан ҳимоя қилинади.
3-босқич Якунловчи (10 мин)	3.1. Машғулот бўйича якунловчи хулоса чиқаради 3.2. Мавзу бўйича билимларни чуқурлаштириш учун адабиётлар рўйхати беради (6-илова)	Жавоблар берадилар Адабиётлар рўйхатини ёзиб оладилар

Асосий тўшунчалар

Темирбетон конструкцияларни асосий моҳияти, мустаҳкамлиги, устиворлиги, ўқитувчининг бурчи ва масъулияти.

Тест саволлари

1. Темирбетонни келиб чиқиши
 - а) 1950-1955 й.
 - б) 1850-1885 й.
 - с) 1820-1830 й.
2. Темирбетон мустаҳкамлиги нимага боғлиқ
 - а) бетон синфига
 - б) арматура синфига
 - с) с/ц
3. Темирбетонни қисқариши қачон содир бўлади
 - а) очик ҳавода
 - б) сувда
 - с) яхлаганда
4. Темирбетонни турлари
 - а) яхлит-йиғма
 - б яхлит
 - с) йиғма
5. Темирбетонни ишлатиш соҳаси
 - а) турар жой биноларида
 - б) ўрмон хўжалигида
 - с) сув ҳавзаларида
6. Бетон тўсиндан темирбетон тўсинни фарқи
 - а) сиқилишга яхши ишлайди
 - б) ичида арматура жойлаштирилган
 - с) яхши чўзилади
7. Темирбетонни қайси зонасида ёриқлар ҳосил бўлади.
 - а) сиқилган
 - б) чўзилган
 - с) нормарказий сиқилган
8. Биринчи бўлиб темирбетон қайси шаҳарда ишлатила бошланади.
 - а) Россия
 - б) Англия
 - с) Франция
9. Темирбетонни ҳисоблаш ким томонидан қачон бошланган.
 - а) Консидора муҳандис (Франция)

- б) Кекена-Германия
- с) Мериша-Германия

10. Собик Совет иттифоқида қачондан темирбетон ишлатилган

- а) 1918 й.
- б) 1925 й.
- с) 1945 й.

11. Собик Совет иттифоқида қачондан йиғма темирбетон ишлатилган\

- а) 1920 й.
- б) 1928 й.
- с) 1925 й.

12. Темирбетонни қачон синдиручи кучга ҳисоблаш татбиқ этилган

- а) 1925 й.
- б) 1930 й.
- с) 1931 й.

13. Олдиндан зўриқтирилган темирбетон қачондан ишлатилган.

- а) 1925 й.
- б) 1930 й.
- с) 1935 й.

14. Олдиндан зўриқтирилган элементларни тайёрлаш усуллари нечта

- а) 3 та.
- б) 2 та.
- с) 4 та.

15. Арматурани таранглаш усуллари нечта

- а) 2 та.
- б) 3 та
- с) 4 та

16. Темирбетонни пайдо бўлиши ва ривожланиши биринчи даври

- а) 1918 й.
- б) 1940 й
- с) 1941 й

17. Иккинчи даври

- а) 1920 й
- б) 1940 й
- с) 1945 й

18. Темирбетон дарзбардошлик бўйича нечта тоифага бўлинади.

- а) 2 та
- б) 3 та
- с) 4 та

19. Темирбетон оловбардошлиги қанча муддатга чидамли.

- а) 10 мин
- б) 20 мин
- с) 30 мин ва ундан

20. Юқори ҳароратга дошбердадига темирбетон ҳисоблаш назарияси қачон ишлаб чиқилган.

- а) 1940 й.
- б) 1950 й.
- с) 1960 й.

3-ИЛОВА

Кичик гуруҳларда ишлаш қоидалари.

- Хар ким ўз ўртоқларини тинглаш, ҳурмат қилиш керак
- Хар ким актив, биргаликда топшириққа масъулият билан қараган ҳолда ишлаш керак.
- Хар ким зарур ҳолда ёрдам сўраш лозим.
- Хар ким ундан ёрдам сўролганда албатта ёрдам бериш керак.
- Хар ким гуруҳ иши натижасини баҳолашда иштирок этиши шарт.
- Ҳар ким аниқ тушуниши керакки:
-бошқаларга ўргатиб ўзимиз ўрганамиз.
-кемага тушганнинг жони бир.
Ё бирга кутиламиз ёки бирга чўкамиз.

4-ИЛОВА

Кичик гуруҳлар учун топшириқлар.

1-гуруҳ учун топшириқ.

Темирбетонни самарадорлиги қайси хусусиятлари орқали белгиланади. Темирбетонни камчиликлари нималардан иборат. Уни мустаҳкамлиги нималарга боғлиқ эканини исботлаб беринг.

3-гуруҳ учун топшириқ

Олдиндан зўриктирилган темирбетонни моҳияти. Унинг афзаллик томонлари, камчиликлари. Дорзбардошлиги, юк кўтариш қобилиятини кўрсатинг.

4-гуруҳ учун топшириқ

Темирбетонни тараққий этиши ҳақида қисқача тарихий маълумот беринг.
Темирбетонни қўлланиш соҳасини кўрсатинг. Унинг келажакдаги ривожланишини исботлаб беринг.

5-ИЛОВА

Гуруҳлар фаолиятини баҳолаш.

Мезонлари ва кўрсаткичлари				
Гуруҳлар	Саволнинг тўлиқ ва аниқ ёритилиши 0-5 балл	Саволларни топшириқларни бажарилиши 0-5 балл	Талабаларнинг фаоллиги 0-5 балл	Жами 15 балл

15-13 балл “аъло”
12-10 балл “яхши”
9-6 балл “қониқарли”

6-ИЛОВА

Машгулотнинг услубий таъминоти

- 1.ҚМҚ 2.03.02-96 Бетон ва темирбетон конструкциялари Т., 2006 й.
- 2.ҚМҚ 2.03.07-96 Юклар ва таъсирлар Т., 1996 й.
- 3.Асқаров Б.А., Низомов Ш.Р., Темирбетон ва тош-гишт конструкциялари Т.Ўзбекистон 2003 й.
- 4.А.П.Мандринов Примеры расчет железобетонных конструкций Москва. Строиздат 1989.

2 мавзу	Юкларни, таъсирлар ҚМҚ лардан фойдаланиши
Амалий машгулот олиб бориш технологияси	
Ўқув соати-2 соат	талабалар сони 25 та
Ўқув машгулот шакли	Амалий машгулот
Амалий машгулот режаси	1.Юклар 2.Хисобий юклар 3. Меъерий юклар 4.ҚМҚлар
Ўқув машгулотларнинг маъсади:	Юклар ҳақидаги маълумотга эга бўлиш. ҚМҚ ларни билиш
Педагогик вазифалари	Ўқув фаолиятини натижалари
Юклар меъерий ва хисобий юклар ҚМҚ лар	Юклар ўртасидаги фарқларни кўрсатиб бера оладилар

Юкларни таъсирини чуқурак англаш	Юклар таъсирини биладилар	
Талабаларни гуруҳларда ишлаш кўникмалари	Талабалар ўз фикрлари мустақил, эркин баён қила оладилар	
Ўқитиш воситалари	Плакатлар, жавоблар компьютер слайдерлари	
Ўқитиш усуллари	Сухбат огзаки-савол жавоблар	
Ўқитиш шакллари	Франтал, патокларда ишлаш	
Ўқитиш шароити	Техник воситалари билан таъминланган аудитория	
Мониторинг ва баҳолаш	Огзаки саволлар	
«Юклар таъсирлар, ҚМҚ лардан фойдаланиш» мавзусининг технологик харитаси		
Босқичлари	Ўқитувчи фаолияти мазмуни	Тингловчи фаолияти мазмуни
1-босқич (20 мин)	3.1. Амалий машғулот мавзуси, режаси билан таништириш 3.2. маъруза бўйича асосий тушунчалар (1 илова) 1.3. Мавзу савол жавоблар ёрдамида мустахкамланади (2-илова)	Тинглайдилар Тинглайдилар Саволларга жавоб берадилар
2-босқич Асосий бўлим (50 мин)	2.1 Мавзу билан таништиради 2.2 Саволларга-жавоб берадилар (2-илова) 2.3. Талабалар жавобларни тинглайдилар саволлар беради талабалар фаолиятини бошқаради ва гуруҳ ишини баҳолайди (4-илова)	Тинглайдилар, ёзадилар Тинглайдилар Гуруҳда муҳокама қилинган саволлар юзасидан жавобларни гуруҳ сардори томонидан химоя қилинади
3-босқич якунловчи (10 мин)	3.1 Машғулот бўйича якунловчи хулоса чиқаради 3.2. Мавзу бўйича билимларни чуқурлаштириш учун адабиётлар рўйхати беради (6-илова)	Бажарадилар Адабиётлар рўйхатини ёзиб оладилар

1-ИЛОВА

Асосий тушунча

Юклар: Меъёрий ва ҳисобий

Юклар: доимий вақтинчалик юклар; ҚМҚ лар

2-ИЛОВА

Саволлар

1.Юклар

- 2.Доимий юклар
- 3.Вақтинчалик юклар
- 4.Меъёрий ва ҳисобий юклар
- 5.ҚМҚлар

3-ИЛОВА

Гуруҳда ишлаш қоидалари

- Хар ким ўз ўртоқларини тинглаш, ҳурмат қилиш керак
- Хар ким саволларга актив жавоб бериш керак
- Хар ким зарур ҳолда ёрдам сўраш керак, ва ёрдам бериш керак
- Хар ким баҳолашда иштирок этиш шарт
- Хар ким аниқ тушуниши керак

4-ИЛОВА

Талабалар фаолиятини баҳолаш мезонлари ва кўрсаткичлари

Мезонлари ва кўрсаткичлари				
Гуруҳлар	Саволнинг тўлиқ ва аниқ ёритилиши 0-5 балл	Саволларни тўпирикларни бажарилиши 0-5 балл	Талабаларнинг фаоллиги 0-5 балл	Жами 15 балл

15-13 балл “аъло”
12-10 балл “яхши”
9-6 балл “қониқарли”

5-ИЛОВА

Адабиётлар

- 1.ҚМҚ 2.03.02-96 Бетон ва темирбетон конструкциялари Т., 2006 й.
- 2.ҚМҚ 2.03.07-96 Юклар ва таъсирлар Т., 1996 й.
- 3.Асқаров Б.А., Низомов Ш.Р., Темирбетон ва тош-гишт конструкциялари
Т.Ўзбекистон 2003 й.

3 мавзу	Чегара ҳолатлари бўйича ҳисоблаш эгилувчи элементлари
Амалий машғулот олиб бориш технологияси (машғулот модели)	
Ўқув соати 2-соат	Талабалар сони 25 та
Ўқув машғулот шакли	Амалий машғулот сони
Амалий машғулот режаси	1.Чегара ҳолатлари 2.Юк кўтариш қобилияти бўйича ҳисоблаш 3.Деформацияга ҳисоблаш 4.Эгилувчи элементларни ҳисоблаш тартиби
Ўқув машғулотларнинг мақсади:	Чегара ҳолати бўйича билимларни мустаҳкамлаш, талабаларнинг мустақил фикрлаш қобилияти ривожлантириш
Педагогик вазифалари	Ўқув фаолиятини натижалари

Чегара ҳолатлари ва моделини тақослаш	Чегара ҳолатларини ва моделининг аҳамиятини тушунтириб бера оладилар
Чегара ҳолатлар бўйича ҳисоблашни чуқурроқ англаш	Чегара ҳолатларини очиб борадилар
Талабаларни гуруҳларда ишлаш кўникмаларини ривожлантириш	Талабалар ўз фикрлари мустақил, эркин баён қила оладилар
Ўқитиш воситалари	Плакатлар, жавоблар слайдер
Ўқитиш усуллари	Сухбат савол жавоб жорий назорат
Ўқитиш шакллари	Франтал, гуруҳларда
Ўқитиш шароити	Техник воситалари билан таъминланган аудитория
Мониторинг ва баҳолаш	Оғзаки савол жавоблар

“Чегара ҳолатлари бўйича эгилувчи элементлар ҳисоблаш” мавзунинг технологик харитаси

Иш босқичлари	Ўқитувчи фаолияти мазмуни	Тингловчи фаолиятининг мазмуни
1 босқич (20 мин)	1.1. Амалий машғулотлар мавзуси, режаси билан таништиради. 1.2. Мавзу бўйича асосий тушунчаларнинг моҳияти эсга тушурилади (1-илова) 1.3. Мавзу савол-жавоблар ёрдамида мустаҳкамланади (2-илова)	Тинглайдилар Бажарадилар ёзадилар Саволларга жавоб берадилар
2-босқич Асосий бўлим (50 мин)	2.1. Талабаларни ҳисоблаш тартиби билан таништиради (3-илова) 2.2. Топшириқлар алоҳида ҳар бир талабага берилади (мисоллар) (4 илова) 2.3. Берилган топшириқларни бажарилганлиги назорат қилинади баҳолайди (5 илова)	Тинглайдилар ёзадилар Мисолларни ечадилар Мисолларни ишлайдилар
3-босқич Якуний (10 мин)	3.1. Машғулот бўйича якунловчи хулоса чиқарадилар 3.2. Мавзу бўйича билимларни чуқурлаштириш учун адабиётлар рўйхати берилади (6 илова)	Бажарадилар Адабиётлар рўйхатини ёзиб оладилар

1-ИЛОВА

Асосий тушунча

Курилиш конструкцияларини чегара ҳолатлари; юк кўтариш қобилияти бўйича ҳисоблаш деформацияга ҳисоблаш эгувчи элементларни ҳисоблаш тартиби.

2-ИЛОВА

Саволлар

- 1.Чегара ҳолатлари нима?
- 2.Юк кўтариши қобилияти?
- 3.Мутахкамлик чегаралари?
- 4.Деформацияга ҳисоблаш?
- 5.Эгилувчи элементларни ҳисоблаш тартиби?

3-ИЛОВА

Ҳисоблаш тартиби

1. Ҳисобий юклар ҳисобий оралик аниқланади
2. Ҳисобий зўриқишлар аниқланади.
3. Элемент кўндаланг кесим ўлчамлари ва арматура юзаси аниқланади.
4. Чегара ҳолатлари бўйича ҳисобланади.
5. Конструкциялаш (арматралаш)

4-ИЛОВА

Мисоллар

5-ИЛОВА

Талабалар фаолиятиени баҳолаш мезонлари ва кўрсаткичлари

Мезонлари ва кўрсаткичлари				
Гуруҳлар	Саволнинг тўлиқ ва аниқ ёритилиши 0-5 балл	Саволларни тўлиқликларни бажарилиши 0-5 балл	Талабаларнинг фаоллиги 0-5 балл	Жами 15 балл

- 15-13 балл “аъло”
12-10 балл “яхши”
9-6 балл “қониқарли”

6-ИЛОВА

Машғулотнинг услубий таъминоти

- 1.ҚМҚ 2.03.02-96 Бетон ва темирбетон конструкциялари Т., 2006 й.
- 2.ҚМҚ 2.03.07-96 Юклар ва таъсирлар Т., 1996 й.
- 3.Асқаров Б.А., Низомов Ш.Р., Темирбетон ва тош-гишт конструкциялари Т.Ўзбекистон 2003 й.

4-мавзу	Темирбетонни физик-механик хоссалари
Маъруза олиб бориш технологияси (машғулоти модели)	
Ўқув соати 2-соат	Талабалар сони 52 та
Ўқув машғулоти тури	Маъруза
Маъруза режаси	1.Арматурани бетон билан тишлаши 2.Темирбетонни киришиши ва оқувчанлиги 3. Темирбетонга ҳароратни таъсири 4.Темирбетонни емирилиши (коррозияси)
Ўқув машғулотларнинг мақсади:	Темирбетонни физик-механик хоссалари ва модели ҳақидаги билимларни мустаҳкамлаш талабалар мустақил фикрлаш қобилиятини ривожлантириш
Педагогик вазифалари	Ўқув фаолиятини натижалари

Темирбетонни асосий физик-механик хоссаларини аниқлаш	Темирбетонни асосий физик-механик хоссаларини билим, моҳиятини тушунтириб бора оладилао
Темирбетон асосий хоссаларини чуқурроқ англаш	Темирбетонни асосий хоссаларини очиб бора оладилар
Талабаларни патокларда ишлаш кўникмаларини ривожлантириш	Талабалар ўз фикрларини мустақил, эркин баён қила оладилар
Ўқитиш воситалари	Плакатлар, слайдерлар
Ўқитиш усуллари	Сухбат, оғсаки савол-жавоблар
Ўқитиш шакллари	Фронтал, патокларда ишлаш
Ўқитиш шароити	Техник воситалари билан таъминланган аудитория
Мониторинг ва баҳолаш	Оғзаки саволсавол-жавоблар

“Темирбетонни физик-механик хоссалари” мавзунинг технологик харитаси

Иш босқичлари	Ўқитувчи фаолияти мазмуни	Тингловчи фаолиятининг мазмуни
1 босқич (20 мин)	1.1. Маъруза мавзуси, режавси билан таништиради. 1.2. Мавзу бўйича асосий тушунчаларнинг мазмун моҳияти эсга тушурилади (1 илова)	Тинглайдилар Тинглайдилар
2-босқич Асосий бўлим (50 мин)	2.1. Маъруза билан таништирилади (2-илова) 2.2. Мавзу оғзаки савол-жавоблар ёрдамида мустахкамланади (3-илова)	Тинглайдилар, ёзадилар Саволларни тинглайдилар жавоб берадилар
3-босқич Яқунловчи (10 мин)	3.1. Мавзу бўйича саволлар берилади (3-илова) 3.2. Мавзу бўйича билимларни чуқурлаштириш учун адабиётлар рўйхати берилади (5-илова)	Жавоблар берадилар Адабиётлар рўйхатини ёзиб оладилар

1-ИЛОВА

Асосий тушунчалар

Арматурани бетон билан ишлашини, бетонни киритиши темирбетонни оловбардошлиги темирбетонни емирилиши (коррозияси)

2-ИЛОВА

Маъруза матнлари

Маъруза 4

Бетоннинг химоя қатлами.

Темирбетон қурилмаларида бетон ва арматураларнинг биргаликдаги ишида арматура ўзакларининг атрофидаги ўраб турган бетонларга нисбатан силжимаслиги муҳим шароит ҳисобланади, яъни арматура ва бетон сирти бириктириш билан эришилади. Пўлат арматуранинг бетон билан бирикиши учта асосий омиллар билан таъминланган:

- эзилиш ва сиқилиш кучларига бетоннинг қаршилиги, арматура сатҳидаги ғадир-будирлик (расм 5,1a), яъни арматуранинг бетон билан механик маҳкамланиши;
- арматура сатҳида киришиш вақтида арматура ўзакларини бетон билан сиқиб қўйиш натижасида пайдо бўлувчи ишқаланиш кучлари билан;
- цемент хамиридаги коллондли моддаларнинг ёпишқоқлиги сабабли арматура сатҳи билан бетон ёпишиши;

Учта омиллардан арматуранинг бетон билан бирикишида биринчи омил кўпроқ таъсирлидир – у бирикишнинг умумий қийматидан 75% гача таъминлайди.

Агарда арматура сатҳини ифлосланишга йўл қўйилмаса, арматура сатҳини ҳар томонлама бетон билан контактда бўлиши таъминланса, ўзаклар орасидаги тирқишлар ҳисобга олинган бўлса, бетоннинг химоя қатлами қалинлигига риоя қилган ҳолда бирикиш хусусиятларини кучайтириш мумкин. Бетоннинг химоя қатлами қалинлиги камида:

- тош тахта ва девор қўлинлиги 100мм гача бўлганда – 10мм;
- шунингдек, 100мм дан кўпроқ бўлганда 15мм;
- баландлиги камида 250мм бўлган тўсин ва қовурға учун – 15мм;
- 250мм ва ундан юқори бўлганида эса – 20мм;
- пойдевор тўсинларида – 30мм;
- йиғма пойдеворларда – 30мм;
- қуйма пойдеворларда бетон тайёрланмаган ҳолатда – 70мм.

Арматуранинг бетон билан ишончли бирикиши темирбетонда бетон ва арматуранинг биргаликдаги ишини таъминловчи, унинг юкланиш остида бир бутуняхлит тошдек ишлаши учун асосий омил бўлиб ҳисобланади. Бирикишнинг кучайиши сезиларли миқдорда арматуранинг даврий кесимини қўллашга имкон беради, чунки у арматуранинг бетонга тегиб турувчи сатҳини оширади ва унинг мустаҳкамлик хусусиятларидан буткул фойдаланишга имкон беради. Бунга ўзаклар диаметри ва сонини тўғри танлаш, ишчи арматура учларини зулфинлаш қоидаларига риоя қилиш, элементларни кўндаланг арматуралаш, маҳсулотларга “иссиқ-нам” ишлов беришда тўғри тартибни танлаш, бетоннинг юқори синфлигидан фойдаланиш олиб келади. Текширишлардан кўринадики, бетондаги арматуранинг тортилишига қаршилик кўрсатувчи бириктирувчи куч ўзак бўйлаб бир текисда тақсимланмайди.

Кўпроқ зўриқиш $t_{\text{ф}}$ тах иш бошланиш яқинида таъсир этади ва $l_{\text{ан}}$ ишлаётган бетон узунлиги бўйича сўниб боради. Вақт ўтиши билан бетоннинг оқувчанлиги ҳисобига бирикишдаги зўриқиш тақсимланиши содир этилади, максимал зўриқишли кесим элементининг ён томонидан чуқурлик томон сурилади. Деформациянинг сўниб бориши билан оқувчанликнинг тақсимланиши камаяди. Арматуранинг бетон билан миқдорий бирикишини ўртача зўриқиб бирикиш τ_m деб баҳолаш мумкин, у ўзак бўйлаб бир текисда тақсимланган деб қабул қилинади. Уни бетонга қўйилган арматура ўзагини суғириб олиш воситаси билан аниқланади. Зўриқиш $N_s = A_s \sigma_s$ ўзакнинг даврий кесимидан текис эталон ўзак билан солиштирганда бетоннинг қисқа узунлиги участкасига ўтказилади.

Арматуранинг бетонга ишлатишдаги энг мақбул узунлиги қуйидагича ташкил топган:

- арматуранинг даврий кесими учун $l_{\text{ан}} = (15 \dots 20)d$;

- силлиқ арматура учун $l_{an}=(30...40)d$.

Бирикишдаги ўртача кучланиш ўзак сатҳига нисбатан (расм 5.1,б) тенглик шarti бўйича аниқланади.

$N_x+dN_x=N_x+\tau_x \cdot u \cdot d_x$, $dN_x=\tau_x \cdot u \cdot dx$, бунда u -ўзак периметри (думалоқ ўзаклар учун $u=\Pi d$);

dN_x – кучланишни ошириш.

Ўзакни суғуриб олиш учун керак бўладиган куч қуйидаги кўринишда аниқланади:

$$N_x = \int_0^{l_{an}} \tau_x \cdot u \cdot d_x = \tau_m \cdot u \cdot l_{an}, \text{ бу ерда } \tau_m - \text{ бирикишнинг ўртача қиймати, Н/мм}^2.$$

Кўтариш қобилятидан тўлиқ фойдаланиш учун керак бўладиган бетонга киритилган ўзак узунлиги, $N=N_s=\sigma_y \cdot A_s$ бўлганда, қуйидаги тенгламадан аниқланади:

$$N_s=\sigma_y \cdot A_s=\tau_m \cdot u \cdot l_{an},$$

бунда, N_s -чўзилишдаги арматура ўзагининг мустаҳкамлиги;

A_s - бетон билан беркитилган арматура ўзагининг кўндаланг кесим майдони.

Расм 5.1. Арматуранинг бетон билан бирикиши.

а – арматура бўртиқларининг бетон билан бирикиши

б – арматурани суғуриб олишда арматура ва бетоннинг зўриққан ҳолати

$$l_{an} = \frac{\sigma_y \cdot A_s}{\tau_m \cdot n} = \frac{\sigma_y \cdot \Pi \cdot d^2}{4\tau_m \Pi \cdot d} = \frac{\sigma_y \cdot d}{4 \cdot \tau_m} = cd(5,1)$$

СНиП 2.03.01-84[4] бўйича сиқилган ўзакнинг ёки бўйлама арматуранинг узунлигини қуйидаги формула орқали аниқлаш мумкин: $l_{an} = \left(w_{an} \frac{R_s}{R_b} + \Delta \lambda_{an} \right) \cdot d$ лекин $l_{an} = \lambda_{an} \cdot d$ дан кам бўлмаслиги керак.

бу ерда w_{an} , $\Delta \lambda_{an}$ ва λ_{an} , шунингдек l_{an} нинг рухсат этилган минимал қиймати 37[4] жадвалидан аниқланади; R_s ; R_b – арматура ва бетоннинг ҳисобланган қаршилиги (маъруза 6 га қаралсин).

Зулфинсиз, олдиндан зўриктирилган арматуралар учун зўриктирилган қурилмаларни бир текисда қўйиб юборишда зулфинланган қисм узунлигини қуйидаги формуладан аниқланади:

$$l_p = (w_p \frac{\sigma_{xp}}{R_{sp}} + \Delta \lambda_p) \cdot d, \quad (5,3)$$

бу ерда w_p ва λ_p 28[4] жадвал бўйича қабул қилинади; σ_{sp} ва R_{sp} (маъруза 8 га қаралсин).

(5.1) формуладан кўриниб турибдики, зулфинлаш зонаси узунлиги арматура диаметри ва мустаҳкамлиги ортиб бориши билан ортиб боради, шунингдек арматуранинг бетон билан бирикиш узунлиги ортиб бориши билан камаяди. Темирбетон қурилмаларида бирикишдаги ўртача зўриқиш статистик юкланиш бўйича 0,5 дан 10МПа гача оралиқда бўлади, маромий юкланишда эса пастки оралиқ гоҳида 0,2...03МПа гача оралиқда бўлади, бетоннинг В7,5 ва ундан юкори синфи учун шунингдек арматуранинг даврий кесими учун – 7МПа гача ва ундан ортиқ.

А-III синфли чўзилган арматура учун оқувчанлик чегараси $\sigma=390\text{МПа}$ ва $\tau_{\text{н}}=5\text{МПа}$ ўзакни бирикишда керак бўладиган узунлиги $l_{an} = \frac{390 \cdot d}{4 \cdot 5} \approx 20d$

Бирикишдаги келтирилган сонли қийматлар бирикишдаги максимал қийматини эмас, балки ўзак узунлиги бўйича – ишчи ўзакларнинг узунлиги ва алоҳида ўзакларнинг оралиғи бўйича кучни бир текисда тақсимлаш.

А-II, А-III, А-IV синфли даврий кесимли арматуранинг бирикишининг кўпайиши уларни махсус зулфинларсиз фойдаланиш имконини беради, бунда ўзакларнинг текис учлари учун зулфинли илгаклар талаб этилади. (ўзини-ўзига зулфинлаш арматуралари).

Арматуранинг бирикиши ўзакни босиб қўйилганда суғуриб олгандагига нисбатан сезиларли даражада кўпроқдир, чунки арматура ўзаги сиқилиш вақтида кўндаланг қисми катталашади ва шу билан бирга ўзакни бетон билан бирикиши кўндаланг кенгайишда ўраб турган бетон қаршилиги сабабли ортади.

Сим торли бетонли темирбетон қурилмаларида ишлатиладиган (масалан шпал) диаметри 3мм юқори мустаҳкам симларни ўзини-ўзига зулфинлаш кўпроқ намоён бўлади.

Темирбетоннинг киришиши

Темирбетон қурилмаларида киришиш бетон қурилмаларига нисбатан бошқачароқ кечади, бетон киришишида бетонда содир бўлувчи зўриқишнинг бир қисмини арматура таъсири натижасида ўзига қабул қилиб олади. Бетон киришишидаги арматурадаги зўриқиш 60-70МПа ва ундан ортиқгача етиши мумкин (расм 5.2).

Расм 5.2. Бетон киришишидан ўзакланмаган ва ўзакланган элементларнинг деформациялашиш схемаси.

а – бетонли призма; б – темирбетон призмаси; в – олдиндан зўриқтирилган призма; 1 – кўндаланг; 2 – бўйлама (ишчи) арматура; 3 – олдиндан зўриқтирилган арматура; ΔI_b – бетонли намунанинг киришиш деформацияси; ΔI_{sb} – темирбетонли намунанинг киришиши деформацияси; ΔI_p – олдиндан зўриқтирилган намунанинг киришиш деформацияси.

Бетонга нисбатан темирбетонда киришиш камроқ, чунки арматура унинг эркин киришишига тўсқинлик қилади. Бунда бетон киришишидан арматурада сиқилувчи зўриқиш бетонда эса, чўзилувчи зўриқиш пайдо бўлади. Бундан ташқари, бошланғич чўзилувчи зўриқиш бетондаги унинг киришишидан ташки юк таъсирида чўзилган бетондаги темирбетон элементлари бўлган участкада бевақт дарзлар пайдо бўлади (5.3)

Расм 5.3. Бетон киришишидаги темирбетон элементларининг зўриқтирилган ҳолати.

а – симметрик ўзаклаштирилган элемент;

б – симметрик бўлмаган ўзаклаштирилган элемент;

E_{slb} – бетонли намуна киришиши;

E_{sb} – темирбетон намуна киришиши;

E_t – темирбетон намунадаги бетоннинг киришишидаги бетон чўзилиши деформацияси.

Статистик ҳисоблаб бўлмайдиган темирбетон қурилмаларида (ромлар, кесилмаган тўсинлар, ровоклар ва шу кабилар) қурилманинг бир бутунлигини бузиши мумкин бўлган киришиш, қўшимча ички зўриқишга олиб келади. Бу ҳолатдан сақланиш мақсадида қурилма бўйлаб блокларда киришиш чоклари қилинади. Чунки ички зўриқиш ҳароратнинг пасайишидан киришишнинг зўриқишга эквивалент (оғир бетонли қурилмалар учун бу эквивалент 15⁰С га тенгдир) киришиш чокларини жойлаштирилади, одатда ҳароратни, чокларни ва уларни ҳароратли-киришиш деб атайдилар.

Ҳароратли-киришиш чоклари оралиғидаги энг катта масофа қуйидаги оралиқларда белгиланади:

- қуйма темирбетон қурилмалари учун, очик ҳавода ишлайдиганлари учун – 25м гача;
- йиғма темирбетон қурилмалари учун, иситиладиган бино ичидигилари учун – 75м гача.

Агарда оралиқ масофаларни меъёрий қийматларга нисбатан кўпроқ ошириш зарурати туғилса, қурилмани бетонни киришишдан зўриқиши ва ҳароратнинг тебраниши ҳисобланади.

3. Темирбетоннинг силжувчанлиги

Бетонни ўзаклаш унинг силжувчанлигининг камайишига олиб келади, чунки арматура қайишқоқлик модулига эга, у бетон деформация модулидан 10...20 маротаба кўпроқдир. Шу сабабли бетонда пластик деформация пайдо бўлганида, арматурада бирикиш сақланган ҳолда, фақатгина деформация пайдо бўлади.

Темирбетон қурилмаларида бетоннинг силжувчанлиги бетон ва арматуралар қабул қилиб олувчи узок муддатли юкланишнинг таъсирида, кучланишнинг тақсимланишига олиб келади, натижада бетондаги зўриқиш секин-аста камаяди, арматурада эса ортиб боради.

Сиқилган темирбетон унсурларини бир дақиқада юксизлантиришда арматура сиқилади, бетон чўзилади, арматура қайишқоқ деформацияланса ҳам, ўзининг бошланғич ўлчамларини сақлаб қолишга интилади, атрофидаги бетон эса бунга қаршилиқ кўрсатади. Агарда бетонда чўзувчи кучланиш чўзилишдаги вақтинчалиқ қаршилиқни юксизлантиришдан кейин ортиқ бўлса, бетонда дарзлар пайдо бўлади, улар қайта юкланишда ёпилиб кетади.

Эгилувчи унсурларда бетоннинг силжувчанлиги унсурларнинг сиқилган қисм қисқариши натижасида эгилувчанликни оширади. Олдиндан зўриқтирилган унсурларда силжувчанлиги, киришиш каби олдиндан зўриқтирилган арматурани қисман йўқолишига олиб келади.

Темирбетон қурилмаларида бетоннинг силжувчанлиги муҳим амалиёт қийматига эга ва қурилмани ҳисоблаш ва лойиҳалашда ҳисобга олинади. Силжувчанлик тўғри чизиқли (бунда $\sigma_e \leq 0,5R$) ва тўғричизиқли бўлмаган (бунда $\sigma_e > 0,5R$) ларга ажратилади. Тўғри чизиқли бўлмаган силжувчанликда бетонда микродарзлар пайдо бўлади ва ривожланади. Материал тузилишидаги бундай бузилишлар тузатиб бўлмас хусусиятга эга бўлиб, деформациянинг тезлик билан ортиб боришига олиб келади.

Темирбетон қурилмаларида темирбетоннинг киришиши ва силжувчанлиги бир вақтнинг ўзида таъсир қилади ва юкланишда ишлаганда биргаликда таъсир қилади; сиқилган унсурларда улар бир йўналиш бўйича таъсир қилади – бетондаги зўриқишни камайтиради ва арматурада эса оширади.

Силжувчанлик қоидалари механиканинг энг мураккаб бўлимига киради, унда ҳозирги вақтга қадар ечилмаган муаммолар бор. Силжувчанликнинг кўпгина қоидалари бор: силжувчанликнинг наслий қоидаси (Г.Н.Маслов, Н.Х.Арутюнян), қайишқоқликнинг наслий қоидаси (Л.Больцман, В.Вольтерра) эскириш (қариш) қоидаси (Ц.Уитни, Ф.Дишинир).

4. Темирбетондаги бетон ва арматуранинг емирилиши (коррозияси).

Саноат, фуқаро ва қишлоқ хўжалиги биноларида ишлатиладиган бетон ва темирбетон қурилмаларига агрессив муҳит таъсир этиши мумкин. Қурилманинг узок муддатга чидамлилигини бетон ва арматуранинг агрессив муҳит таъсирига бардошлилиги билан аниқланади. Уларнинг бетонга агрессив таъсири махсус қурилиш қурилмаларини емирилишдан сақловчи (СНиП 2.03.11-85) меъёрлар асосида аниқланади. Темирбетонга таъсир қилувчи ҳамма агрессив муҳитни уч гуруҳга бўлиш мумкин: суюқ, газсимон ва қаттиқ.

Бетон ва темирбетон қурилмаларига агрессив таъсир этиш даражасини аниқлаш мумкин:

- суюқ муҳит учун – агрессив агентларнинг борлиги ва концентрацияси, ҳарорати, юзадаги суюқликнинг босими ва ҳаракат тезлиги;

- газсимон муҳит учун – газ тури ва концентрацияси, сувда эрувчанлиги, намлиги ва муҳит ҳарорати;
- каттиқ муҳит учун – (тузлар, аэрозоллар, чанглари) - сувда эрувчанлиги, атроф-муҳитнинг намлиги.

Профессор В.М.Москвин томонидан коррозия (емирилиш) классификациясининг асосий кўринишлари тавсия этилган.

Олинган тажриба натижалари ва бетоннинг чириши даврида қурилмадан фойдаланиш жараёнида орттирилган тажрибалар натижалар бўйича уч асосий кўринишга бўлинган.

Биринчи гуруҳга ҳамма учта жараён, бетонга юмшоқ сув таъсирида ривожланувчи, цемент тошини ташкил этувчи қисмлар оқар сув таъсирида эриб ва оқиб кетиши (айниқса бетондан филтрланиб ўтиши натижасида) бирлашади.

Иккинчи гуруҳга эса, таркибида кимёвий элементлар бўлган сувнинг цемент тоши таркибидаги элементлар билан реакцияга киришиши бетон емирилишининг ривожланиш жараёнига киради. Реакцияга киришган маҳсулотлар сувда осон эриб оқиб кетади ёки аморф массаси кўринишида, боғловчи хусусиятга эга бўлмаган ёки реакция жойида қолади. Бу гуруҳ нордон ва магнезияли тузлар таъсирида ҳосил бўлувчи жараёнларни ўз ичига олади.

Емирилишнинг иккинчи турида бетон учун ҳимояланиш тадбирларига махсус боғловчи ва бўяш кўринишида юзани ишончли ҳимоялаш, қоплаш ва шу кабилар киради.

Емирилишнинг учинчи турида емирилиш учун курашишнинг асосий омилларидан цементни танлаш, қурилмани ишлаш шароити ҳисобга олинган ҳолда ва муҳитнинг агрессив ҳолати, бетон зичлигини ошириш учун турли услублар ҳавони чиқариб юборувчи, пластифицирловчи қўшимчалар қўшиш, шунингдек паст W/C қўллашлардан иборатдир. Темирбетон қурилманинг бузилиши арматуранинг емирилиши сабабли бўлиши ҳам мумкин. Бетоннинг арматурага нисбатан ҳимоя таъсири цемент тошининг пўлатни пассирлаш қобилияти бўйича аниқланади. Маълумки, кўпинча арматуранинг емирилиши ҳаво ва сув таркибидаги кислород таъсирида бўлади. Емирилишни асосий маҳсулоти бўлиб занг ҳисобланади ва у кимёвий ёки электрокимёвий реакцияларда иштирок этувчи кислород таъсирида ҳам келиб чиқиши мумкин.

Емирилиш маҳсулотлари арматурада йиғилади, бетонни босади, натижада дарзлар пайдо бўлади. Шундан сўнг бетоннинг ҳимоя қатлами кўчади. Емирилиш доимо металл маҳсулоти юзасидан бошланади ва секин-аста ичкарига тарқалади. Бунда металллар ташқи кўринишини ўзгартиради: ялтираши йўқолади, силлиқ юзаси ғадир-будир бўлиб боради ва кўнғир рангли темир оксидидан ташкил топган занг билан қопланади. Шундан сўнг занг чуқурроқ кириб боради ва металл бузилади.

Темирбетонда арматура қотган цемент ҳамиридан юпка эластик пленка билан қопланади, у ҳаво ва сув киришидан ҳимоялайди. Қурилманинг турига қараб бетоннинг ҳимоя қатлам қалинлиги одатда 10 дан 20мм гача ва ундан ҳам ортиқроқ бўлиши мумкин. Агарда ҳимоя қатламда дарзлар пайдо бўлса, у ҳолда емирилишнинг ривожланиши учун қулай шароит яратилади. Ҳавода сув парлари бўлади, агарда ҳаво намлиги юқори бўлса, унда бу парлар секин-аста очиқ қолган арматура юзасида конденсирланади ва емирилишга олиб келади.

Азот оксиди, олтингугуртли газлари ва шунга ўхшаш ифлосланган ҳаволи йирик саноат туманларида иншоотларда бетондаги арматуралар аиниқса кўпроқ емирилади. Бу газлар ҳаводаги сув томчиларида эриб, металл юзасига тушади ва емирилиш жараёнини жуда тезлаштириб беради. Олтингугуртли газ арматура учун ўта зарарлидир. У ҳавога таркибида олтингугурт бўлган тошкўмирни ёққанда тутун билан бирга чиқади. Олтингугурт гази сувда эриб олтингугурт кислотасини ҳосил қилади. Бундай муҳит темирбетон қурилмаларидаги арматуралар ва металл маҳсулотлари учун зарарлидир. Бундай шиддатли емирилишдан арматурани ишончли ҳимоялаш учун махсус емирилишга қарши қопламалар, емирилишни олдини лоиш учун эса қурилмани дарз кетмаслигини таъминлаш зарур. Бетоннинг ҳимоя қатламини, зичлантирувчи қўшимчалар қўшиб,

кузатган ҳолда, зарарли моддалар сингиб боришидан сақлаш мақсадида бетон зичлигини оширишга эришилади.

5. Темирбетон турлари

Темирбетон қурилмалари учун энг кўп тарқалишга эришилгани эгилувчи арматурали оғир темирбетондир.

Бундай темирбетоннинг зичлиги $\rho=25\text{кН/м}^3$ тенг деб қабул қилинди. (ўзаклаш фоизи $\mu\leq 3\%$ бўлганда). Ўзаклаш фоизи юқори бўлганда темирбетон зичлиги бетон ва арматура зичлиги йиғиндисига тенг деб олинади. Турли бетонлардан ишланган енгил темирбетон ҳам кенг тарқалишга эришмоқда. Профессор П.Л.Нерви томонидан таклиф этилган (Милан политехника лабораторияси) махсус алоҳида кўринишдаги темирбетон ўзаклицемент (армоцемент) ҳисобланади. Ўзакли цемент – бу ўзакланган оралиғи яқин қилиб жойлаштирилган синфи В25...В50 бўлган майда тўлдиргичли кичик (ячейкали) катакли пўлат материал тўрли бетондир. Тўлдиргич доналарининг катталиги 5мм дан юқори эмас. 1см қалинликдаги ўзакланган цементга кўпи билан 4та тўр катаклари 10мм дан юқори бўлмаган 0,5 дан 1мм гача қалинликдаги сим жойлаштирилади, $M = A_s / \delta = 0,004...0,025$ бу ерда, A_s – тўрларнинг кесим юзаси узунлик бирлигида ($\text{см}^2/\text{см}$), δ – ўзакланган цемент элементининг тўғри бурчакли участкаси қалинлиги.

Армоцементнинг бундай бўлаклаб ўзакланиши бир бутун хусусиятли, юқори чўзилувчан, дарзларнинг кам очилиши, оғир юк кўтариш қобилиятли, сув ўтказмаслик, зарба юкка қаршилиги юқори бўлган материални олишга имкон беради. Бу хусусиятлар уларни юпка-деворли фазовий қурилмаларда, катта ҳажмли иншоотлар қурилишида ва сув иншоотларида қўллашга имкон беради. Бироқ ўзакланган цементда темирбетонга нисбатан емирилишга бардошлик ва оловбардошлик пастроқ.

Фибробетон темирбетон турларидан ҳисобланади, у ҳам ўзакланган цемент каби юпка пўлат симли калта қирқим кўринишида бетон ҳажмининг 1,5 дан то 3% гача шиша ва синтетик иплардан иборат бўлади. Толаларни (пўлатли ва шишали) юқори ва паст модуллиги (сунъий) ишлатилади. Юқори модулли толалардан ўзаклаш бетон мустаҳкамлигини оширади. Паст модуллиги – унинг зарбага қайишқоқлигини. Толаларнинг қайишқоқлик модули бетонга нисбатан юқори бўлиши керак, тола ва бетон бир-бирига ўзаро кимёвий жиҳатдан мос бўлиб ва ўзаро яхши ёпишадиган бўлиши керак. Фибробетондан тайёрагоҳлар ва автойўллар учун плиталар, устун қобиғи, тутун трубалари, босимбардош трубопроводлар, мувозанатсиз машиналар тагидаги фундаментлар, портлашга бардошли қурилмалар ва шу кабилар тайёрланади.

Темирбетон қурилмалар агрессив муҳитда ёки юқори гидростатик босимда, шунингдек электр ўтказмаслик шароитида ва радио тиниқлиги учун ишлашга мўлжалланган армоцементдан тайёрланади, пўлат ёки металл бўлмаган арматура билан ўзакланади. Темирбетонда боғловчи сифатида фенолоформальдегидлар ва бошқа қатронлар ишлатилади. Армополимербетоннинг мустаҳкамлик хусусиятлари оғир темирбетонга солиштирганда анча юқори.

У юқори чўзилувчанликка ва емирилишга бардошли юқори силжувчанликка эга. Армополимербетон қимматбаҳо бўлгани учун қурилиш қурилмаларида кенг қўлланила олмади.

3-ИЛОВА

Оғзаки саволлар

1. Арматурани бетон билан пишлашини асосий сабаблари.
2. Темирбетонни киришиши, оқувчанлиги
3. Темирбетонни оловбардошлиги
4. Темирбетон емирилиши

Гуруҳлар фаолиятини баҳолаш.

Мезонлари ва кўрсаткичлари				
Гуруҳлар	Саволнинг тўлиқ ва аниқ ёритилиши 0-5 балл	Саволларни тпшириқларни бажарилиши 0-5 балл	Талабаларнинг фаоллиги 0-5 балл	Жами 15 балл

15-13 балл “аъло”
 12-10 балл “яхши”
 9-6 балл “қониқарли”

Маърузани услубий таъминоти

- 1.ҚМҚ 2.03.02-96 Бетон ва темирбетон конструкциялари Т., 2006 й.
- 2.ҚМҚ 2.03.07-96 Юклар ва таъсирлар Т., 1996 й.
- 3.Асқаров Б.А., Низомов Ш.Р., Темирбетон ва тош-ғишт конструкциялари Т.Ўзбекистон 2003 й.

5-мавзу	Бетонни ва арматурани ҳисобий қаршиликлари, ҳисобий юклар
Маъруза олиб бориш технологияси (машғулоти модели)	
Ўқув соати 2-соат	Талабалар сони 52 та
Ўқув машғулоти тури	Маъруза
Маъруза режаси	1.Меърий юклар 2.Ҳисобий юклар. 3. Бетонни ҳисобий қаршилиги 4.Арматурани ҳисобий қаршилиги
Ўқув машғулотларнинг мақсади:	Темирбетонни физик-механик хоссалари ва модели ҳақидаги билимларни мустақамлаш талабалар мустақил фикрлаш қобилиятини ривожлантириш
Педагогик вазифалари	Бетон ва арматурани ҳисобий қаршиликлари ва юклар ҳақидаги билимларни мустақамлайдилар
Темирбетонни асосий физик-механик хоссаларини аниқлаш	Темирбетонни асосий физик-механик хоссаларини билиб, моҳиятини тушунтириб бора оладилар
Бетон ва арматурани ҳисобий қаршиликлари, ҳисобий юкларни аниқлаш	Бетон ва арматурани ҳисобий қаршиликларини, ҳисобий юкларни билиб, моҳиятини тушунтириб бера оладилар
Талабаларни потокларда ишлаш кўникмаларини ривожлантириш	Талабалар ўз фикрларини мустақил, эркин баён қила оладилар
Ўқитиш воситалари	Плакатлар, слайдерлар
Ўқитиш усуллари	Сухбат, оғсаки савол-жавоблар
Ўқитиш шакллари	Фронтал, патокларда ишлаш
Ўқитиш шароити	Техник воситалари билан таъминланган, аудитория
Мониторинг ва баҳолаш	Оғзаки савол, савол-жавоблар.

“Бетон ва арматурани ҳисобий қаршиликлари, ҳисобий юклар” мавзусининг технологияси харитаси

Иш босқичлари	Ўқитувчи фаолияти мазмуни	Тингловчи фаолиятининг мазмуни
1 босқич (20 мин)	1.1. Маъруза мавзуси, режаси билан таништиради.	Тинглайдилар

	1.2. Мавзу бўйича асосий тушунчаларнинг мазмун моҳияти эсга туширилган (1 илова)	Тинглайдилар
2-босқич Асосий бўлим (50 мин)	2.1. Маъруза билан таништирилади (2-илова) 2.2. Мавзу оғзаки савол-жавоблар ёрдамида мустаҳкамланади (3-илова)	Тинглайдилар, ёзадилар Саволларни тинглайдилар жавоб берадилар
3-босқич Якунловчи (10 мин)	3.1. Мавзу бўйича саволлар берилади (3-илова) 3.2. Мавзу бўйича билимларни чуқурлаштириш учун адабиётлар рўйхати берилади (5-илова)	Жавоблар берадилар Адабиётлар рўйхатини ёзиб оладилар

1-ИЛОВА

Асосий тушунчалар

Бетон ҳисобий қаршиликлари Арматурани ҳисобий қаршиликлари ҳисобий юклар.

2-ИЛОВА

Маъруза матнлари

Маъруза 5

Чегаравий ҳолат деб, қайсики, қурилмалардан фойдаланиш жараёнида уларга қўйилган талабларни қониктира олишдан тўхтаса, яъни ташқи юкларга қаршилик кўрсатиш қобилиятини йўқотса ва мумкин бўлмаган силжишлар ёки жойида бузилиш ҳисобланади.

Чегаравий ҳолат усули бўйича ҳисоблашда қурилмадан фойдаланиш мобайнида чегаравий ҳолатга ўтмаслиги учун шароит яратиш асосий вазифа ҳисобланади.

Темирбетон қурилмалари фойдаланилганда керак бўладиган сифатини икки сабабдан бирида йўқотиш мумкин.

1. Кўтариш қобилияти йўқолиши натижасида, яъни юкланиш кўпроқбўлган кесимларда материалнинг бузилиши, шунингдек, баъзи бир унсурларнинг ёки бутун қурилма ўзининг устиворлигини йўқотиш натижасида -1- гуруҳ юк кўтариш қобилияти бўйича.

2. Ўта деформацияланиш натижасида - (эгилиш, тебраниш, чўкиш), шунингдекдарзлар пайдо бўлиши натижасида ёки уларнинг катта очилиб кетиши натижасида – 2 гуруҳ – нормал фойдаланишга яроқлилиги бўйича.

Чегаравий ҳолатни 1 гуруҳ бўйича ҳисоблаш қуйидагиларни олдини олиш учун бажарилади:

- мўрт, ёпишқоқ ёки бошқача хусусиятли бузилиш (мустаҳкамликка ҳисоблаш);
- қурилма турғунлик кўринишини йўқотиши (чидамлилиқка ҳисоблаш) ёки унинг ҳолати (ер ости сув босимида учрайдиган, чуқурлашган ва яримчуқурлашган иншоотларнинг ағдарилишга, силжишга ҳисоблаш);

- чарчашдан бузилишлар кўп мартаба такроран юкланиш таъсирида бўлган қурилмани чидамлилигига ҳисоблаш.

Чегаравий ҳолатни 2 гуруҳ бўйича ҳисоблаш қуйидагиларни олдини олиш учун бажарилади:

- қурилмаларда дарзларнинг пайдо бўлиши, фойдаланиш шартлари бўйича мумкин бўлмаган шароитда;
- қурилмаларда дарзларнинг меъёрдан ортиқ очилиши, фойдаланиш шартлари бўйича очилиш кенглиги чегараланган ҳолатда рухсат этилади;
- меъёрдан ортиқ силжиши (эгилиш, қайрилиш бурчаклари, эгилиш бурчаклари, тебраниш амплитудаси);

III бочқич зўриқиб-деформацияланиш ҳолати, бузувчи юкланишлар бўйича ҳисоблаш шунингдек, асосига 1 гуруҳ бўйича чегаравий ҳолатини ҳисоблаш (юк кўтариш қобилияти бўйича) қўйилган.

3. Усулни ҳисоблаш омиллари Захира коэффиценти

Юкланишнинг ортиб бориш томонига ва материаллар мустаҳкамлик хусусиятларининг камайишини, ўзгарувчанлигини ҳисобга олган ҳолда, элементларнинг ҳисобий кўтариш қобилияти ишонч коэффиценти ва қурилмани тайёрлаш ва ундан фойдаланишдаги ўзига хослиги ҳисобга олувчи иш шароитидан фойдаланилган ҳолда аниқланади.

1) юк кўтариш бўйича ишонч коэффиценти $\gamma_x f$, юкланишнинг статистик ўзгарувчанлиги, унинг тури ва гуруҳи чегаравий ҳолатига ($0,9 \leq \gamma_f \leq 1,4$) боғлиқ ҳолда қабул қилинади.

2) бетон бўйича ишонч коэффиценти γ_b , бетон (кўриниши) тури ва зўриқиш ҳолат тури бўйича ($1,0 \leq \gamma_b \leq 2,3$) қабул қилинади.

3) арматура бўйича ишонч коэффиценти γ_s , арматура синфи ва чегаравий ҳолатига ($1,0 \leq \gamma_s \leq 1,2$) боғлиқ ҳолда қабул қилинади;

4) бетоннинг ишлаш шароити коэффиценти γ_{et} , бетоннинг ўзига хослигини ҳисобга олувчи хусусияти, қурилманинг юкланиш хусусияти, фойдаланиш шароити ва бошқалар ($0,45 \leq \gamma_{et} \leq 1,35$).

5) арматуранинг ишлаш шароити коэффиценти γ_{st} , арматура тури, унинг вазифаси ва қўллаш шароити, қурилмани юклаш хусусияти ва шу кабилар ($0,19 \leq \gamma_{st} \leq 1,0$).

2.2. Юклар ва уларнинг таъсири

Лойиҳалашда иншоотларни қурилишида ва улардан фойдаланишда юкланишни ҳисобга олиш, шунингдек тайёрлашда, сақлашда ва қурилиш қурилмаларини етказиб беришда ҳам ҳисобга олинади. Юкланишни ҳисоблашда меъёрий ва ҳисобий қийматлардан фойдаланилади.

Меъёрий юклар деб олдиндан белгиланган эҳтимоллик ёки номиналь қиймат бўйича тушунилади.

Ҳисобланган юкланиш деб қурилмани мустаҳкамлик ва турғунликка ҳисоблангандаги юклар тушунилади. Уларни меъёрий юкланишни юкланишдаги ишонч ва белгиланган коэффицентиға кўпайтириш йўли билан олинади.

$$q = q_n \cdot \gamma_f \cdot \gamma_n; \quad (7.1)$$

бу ерда q_n - меъёрий юкланиш қиймати;

γ_f - юкланиш бўйича ишонч коэффициентлари;

У юкланишнинг кўринишига боғлиқ бўлиб, СНиП 2.01.07-85* бўйича қабул қилинади. “Юклар ва уларнинг таъсири”, ($\gamma_1 \geq 0,8$);

γ_n - иншоот учун тайинланган асосий синфни ҳисобга лувчи ишонч коэффициентлари;

I синф - $\gamma_n = 1,0$ – асосий бино ва иншоот объектлари, қишлоқ хўжалигида муҳим хусусиятли ва ижтимоий аҳамиятли – ТЭС, АЭС асосий бинолари, ойнаижаҳон минораси, баландлиги 200м дан ортиқ тутун трубалари, нефтни ва нефт маҳсулотларини сақловчи ҳажми 10минг м³ ортиқ резервуарлар; минбарли усти ёпиқ спорт иншоотлари; театр, кинотеатр, цирк бинолари, усти ёпиқ бозорлар, ўқув бинолари, музейлар, туғруқхоналар, мактаб ёшигача бўлган муассаса ва шу кабилар.

II синф γ_n - 0,95 бино ва иншоот объектлари, қишлоқ хўжалигида ва ижтимоий муҳим аҳамиятга эга бўлган. (I ва III синфга кирмаган объектлар).

III синф γ_n - 0,9 қишлоқ хўжалигида ва ижтимоий аҳамияти чегараланган муҳим аҳамиятли – омборхоналар, иссиқхоналар, теплицалар, бир қаватли турар-жой бинолари, вақтинчалик бино ва иншоотлар ва шу кабилар γ_n -0,8 вақтинчалик фойдаланиш учун 5 йил уддатга қурилган бино а иншоотлар учун.

Юкларнинг қурилмага муддатли таъсири бўйича доимий, вақтинчалик ва махсусларга бўлинади. Бутун ишлатилиш мобайнида таъсир этувчи юкларга доимий юклар деб аталади. Уларга қурилманинг юк кўтарувчи ва тўсиқларининг ўз оғирликлари, чуқурлаштирилган иншоотларга тупроқнинг оғирлиги ва босими, олдиндан зўриктирилган кучлар киради.

Вақтинчалик юклар деб бутун фойдаланиш жараёнида қиймати ва жойлашиши ўзгарувчанларга айтилади. Улар пайдо бўлиши ва йўқ бўлиши мумкин. Вақтинчалик юклар узоқ муддатли, қисқа муддатли ва махсусларга бўлинади.

Узоқ муддатли юкларга стационар жиҳозлар оғирлиги; фойдаланиш давомида жиҳозларни тўлдирувчи маҳсулот массаси оғирлиги; қисман қор оғирлиги; идишли ва қувурлардаги сочиловчи материалларнинг, суюқликлар, газлар ва шу кабиларнинг босими киради.

Қисқа муддатли юкларга инсонларнинг оғирликлари, қисман қор оғирлиги, шамол, кранлар, шунингдек қурилмани йиғиш ва таъмирлаш вақтида пайдо бўлувчи юклар киради.

Махсус юкларга эса сейсмик, портловчи, авария ҳолатидаги ва шунга ўхшаш таъсирлар киради.

Қурилмани ҳисоблаганда турли кўринишдаги юкларнинг таъсири бўйича бажарилган бўлиши керак. Бир вақтнинг ўзида доимий, узоқ муддатли ва қисқа муддатли юкларнинг таъсири асосий жамлама ҳисобланади Ψ . Агарда ҳисоблашга иккита ёки ундан ортиқ вақтинчалик юклар киритилса, у ҳолда уларнинг қиймати жамлама коэффициентига кўпайтирилади $\Psi_c = 0,9$. Махсус жамламалар асосий жамламага махсус юкланишларнинг бирини кутишдан ташкил топган.

Қурилмани юкланишнинг махсус жамламаларини ҳисоблашда қисқа муддатли юкланишлар қийматини $\Psi_E = 0,8$ (сочетаний) коэффициентига

$$B = R_m - Z\sigma, \quad (7.2)$$

бу ерда σ – формула бўйича аниқланувчи ўрта квадрат очиши:

$$\sigma = \sqrt{\frac{\sum_{i=1}^n n_i \Delta_i^2}{n - J}} = \sqrt{\frac{n_1 \Delta_1^2 + n_2 \Delta_2^2 + \dots + n_k \Delta_k^2}{n - J}}; \quad (7.3)$$

бунда n – тажрибалар сони; $\Delta_1 = R_1 - R_m$

$$R_m = \frac{\sum_{i=1}^J R_i}{n} = \frac{n_1 R_1 + n_2 R_2 + \dots + n_k R_k}{n} \quad - \quad \text{бетоннинг сиқилишдаги вақтинчалик}$$

қаршилигининг ўртача қиймати (математик кутиш). Олинган қийматларни ишончилиги 0,95 дан кам бўлмаган жорий меъёрлар бўйича ўрнатилади.

Ишонч эҳтимоллигини 95% таъминлаш учун ишонч кўрсаткичи $\lambda = 1,64$ қабул қилинади.

Шундай қилиб:

$$B = R_m - \lambda \sigma = R_m (1 - 1,64 \frac{\sigma}{R_m}) = R_m (1 - 1,64v) \quad (7,4)$$

бу ерда $V = \frac{\sigma}{R_m}$ - вариация коэффиценти (ўзгарувчанлик)

Бетоннинг меъёрий сиқилишдаги қаршилиги призма мустаҳкамлиги ҳисобланади, у бетон синфига боғлиқ ҳолда ўрнатилади: $R_{вв} = B(0,77 - 0,00125B)$.

Бетоннинг ўқ бўйлаб кенгайишига бўлган қаршилиги куйидаги кўринишда аниқланади. - $R_{см} = 0,5K^3 \sqrt{B^2}$ ($K=0,8$ В35 ва ундан паст бетон учун; $k = 0,7$ В40 ва ундан юқори бетон синфи учун).

Бетоннинг ҳисобий қаршилиги меъёрий қаршиликларни тегишли бўлган ишонч коэффицентиға бўлиш йўли билан ўрнатилади, яъни

$$R_s = \frac{R_{см}}{\gamma_{св}}; R_{ст} = \frac{R_{вв}}{\gamma_{ст}}. \quad (7.5)$$

Ишонч коэффиценти меъёриға нисбатан ҳақиқий мустаҳкамлигини камайиши мумкинлигини ҳисобға олади. 1 гуруҳнинг чегаравий ҳолатини ҳисоблаш учун $\gamma_{св} = 1,3$; $\gamma_{ст} = 1,5$. 2 гуруҳнинг чегаравий ҳолатини ҳисоблаш учун $\gamma_{св} = \gamma_{ст} = 10$.

Бетонли ва темирбетонли қурилмаларни ҳисоблашда ҳисобий бетон қаршилигини таъсирнинг давомийлигини, юкланишнинг такрорийлигини, қурилманинг ишлаш хусусиятини, тайёрланиш шароити ва фойдаланишни ва шу кабиларни ҳисобға олувчи ишлаш шароити коэффицентиға кўпайтирилади $\gamma_{ст}$.

2.4. Арматуранинг меъёрий ва ҳисобий қаршилиги

